*ЫÇÁÅÊÈÑÒÎÍ ÐÅÑÏÓÁËÈÊÀÑÈ ХАЛ+ ТАЪЛИМИ  ВАЗИРЛИГИ*

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

*ЫÇÁÅÊ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ*

***Ê À Ô Å Ä Ð À Ñ È***

# *ЫЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ*

Фанидан  Маърузалар  матни.

***Тайёрлаган:  Бекчанова  Сайёра  Бозарбоевна***

*ÍÓÊÓÑ -  2006 ЙИЛ*

# 1-мавзу
# Кириш
# Фаннинг ма=сад ва вазифалари
# Режа

1. Болалар адабиёти ща=ида.
2 Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги.
3. Болалар адабиётининг педагогика билан бо\ли=лиги.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. «Болалар адабиёти». А.Суюмов, М.Жумабоев. Т. - 95. «Ы=итувчи» нашриёти.
2 «УТА» журнали. 1997 йил. 1-сон. (55-56 - бетлар).
3. «Ызбек адабиёти ва санъати» газетаси. 1998 йил. 19 июль, 3 - бет.
5. Ойбек «Болалик хотираларим». Тошкент. /афур /улом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти. +айта нашри. 1995-йил.
5. «Ызбек адабиёти ва санъати» газетаси. 1997 йил. 23 - февраль, 2 - бет.
6. А.Суюмов, М.Жумабоев. «Болалар адабиёти». Тошкент. 1995 йил. 56-57-58-51-52-55- 60-61-бетлар.
7 Ызбек тили ва адабиёти журнали. 1998 йил. 6- сон. Охунжон Сафаров. 61-62 - бетлар.
8. Ызбек адабиёти ва санъати газетаси. 1996 йил. 3- бет.
9. Ызбек тили ва адабиёти журнали. 1998 йил. 11 - сон. М.Омонова. 58-59 - бетлар.
10. П.Шамсиев «/./улом». Асрлар. беш томлик. 1 том.


Таянч тушунча. Болалар адабиётининг даврлари ҳақида маълумот.

Болалар адабиёти деганда ёзувчилар томонидан уларга мылжаллаб ёзилган махсус асарларни тушунамиз. Шунингдек, катта ёшдагиларга аталган, биро= болалар маънавиятини бойитадиган, уларга маърифий - эстетик зав= бериши мумкин былган асарларщам болалар китобхонлигини ташкил этади.

Ижтимоий онг шакллари, мафкуравий ишнинг барча сощалари каби, болалар адабиетищам во=елик билан,щаетдаги турли ижтимоийщодисаларщамда инсоният турмуши билан бо\ли= былиб, уларни ызига хос воситаларда бадиий акс эттиради. Болалар адабиетида акс эттирилган во=еликщаетий,ща==оний тасвирланишщамда уларнинг рущияига, онгига мос, тушунарли ва =изи=арли былиши керак.

Шунга кыра, болаларга аталган бадиий асарлар уларнинг характер хусусиятларини тыла намоен =илиши билан бир =аторда педагогика ва психология фанлари билан узвий ало=ада былиши, демакки, муайян маърифий - эстетик \ояни илгари суриш лозим.

Болалар сощасида иш юритмо=чи былганщар бир муаллиф китобхон ешининг барча хусусиятларини назарга олиши лозим. Аксщолда, унинг китоби болаларгащам, катталаргащам кераксиз, бетайин былиб =олади.

Ы=увчиларни еш хусусиятларининг уч гурущга былиб ырганиш мумкин:

1. Мактабгача тарбия ешидаги болалар (2 ешдан 7 ешгача)
2 Мактаб ешидаги кичик болалар (7 ешдан 10-11 ешгача)
3. Ырта ва катта ешдаги болалар (12-15 ешдан 15-17 ешгача).

Мактабгача тарбия ешидаги болаларщали саводи камлиги учун дуне уларнинг кызига мутла=о номаълум нарсадек кыринади. Аммо, бола уни билишга интилади. Езувчи боладаги ана шу интилишни хис этиб, унинг характерини яратишгащаракат =илади, яъни санъаткорщаетдаги мущим, характерли во=еа ва щодисаларни бадиий образлар ор=али болалар нут=игащос тилда тасвирлаб беради.

Мактабгача тарбия ешидаги болалар учун езиладиган китобларнинг мавзу доираси тор ва фа=атгина мушукча - кучукчалардан иборат былмаслиги аксинча, уларда щаетщар

тарафлама акс эттирилган былиши лозим. Биро= бу ыринда шунищам таъкидлаб ытишщам лозимки, бундай асарларнинг мазмуни жуда содда, ани=, болаларни ыраб турган щаёт ва атроф - мущитни тушуниб олишга ёрдамлашади, шунга кыра уларда ранг-боранг суратларнингщам кып былиши та=озо этилади. Китобдаги суратларщаетий былиши билан бирга, мазмунга мос, оддийщамда ани= ишланиши керак.

Бу ешдаги болалар кыпинчащаелий - саргузашт асарларни севиб тинглашади. Лекин мактабгача тарбия ешидаги болалар китобидащаелга орти=ча берилиб кетиш педагогикага ты\ри келмайди. Чунки бунда болани =ыр=итиб =ыйиш, унинг а=лий жищатдан ысишга еки бемаънищаелларнинг вужудга келишига сабаб былиши мумкин. Мактабгача тарбия ешидаги болалар учун тавсия этиладиган асарлар учунщозирда ва келажакда быладиган турли во=еа ващодисалар мощиятини ызида я==ол кырсата оладиган умидбахш фантазия керак.

Бу ешдаги болалар китобхонлигида иштирок этувчилар - одамлар, сызловчи паррандалар,щайвонлар, хашаротлар, гуллар, шунингдек кундаликщаетимизда учраб турадиган предметлардир. Бу хол эса болаларнинг олам сирларини билишга былган =изи=ишини янада оширади. Кыриниб турибдики, болаларга тезда тушиниладиган, уларнинг бадиий нут=ини устирадиган, такрор товушли сызларни охангдор =илиб айта билишга ердам берадиган китоблар \оят мущим.

Мактаб ешидаги кичик болалар учун езиладиган китоблар мактабгача тарбия ешидаги болалар китобхонлигидан ызгача былиб, янада ранг-боранг, \оявий мазмуни мураккабщажмищам каттаро= былади. Бу ешдаги болаларга тавсия этиладиган асарлар болаларнинг мущимщаетий тажрибаларини умумлаштириб, улар ди==атини кыпро= ижтимоий во=еликка =аратиши, \оявий курашдаги мураккабликлар, юксак ватанпарварлик ва тинчлик севарлик \ояларини акс эттирадиган во=еа -щодисалар мавзуга олиниши зарур.

Ырта ва катта ёшдаги болаларга атаб ёзилган китобларда мещнаткаш хал=нинг озодлик йылида олиб борган курашлари, ватанга мущаббат, мещнат, дыстлик мавзулари ёритилса ма=садга мувофи= быларди. Ысмирлар адабиётининг мавзу доираси кенг ва ранг - баранг, тили, бадиийщикоя =илиш усулларищам анча мураккаб.

Болалар адабиётининг яна бир мущим хусусияти унинг педагогика билан мащкам бо\ланганлигидадир. Болалар адабиёти талаблари билан бирга педагогика талабларигащам алощида эътибор берилиши лозим. Ана шу талаблар асосида яратилган \оявий - бадиий юксак асарлар болалар учун энг =имматли китоблрщисобланади.

Зеро педагогика билан болалар адабиётининг ма=сад ва вазифалари муштарак: ёш авлодга чинакам а=лий - ахло=ий эстетик ва жисмоний тарбия беришдир. Болалар ёзувчилари болаларга мос, уларни =изи=тирадиган ва улкан ишларга отлантирадиган асарлар езиб, ер=ин, кучли бадиий образлар яратиб, ёш авлоднинг онги, характери ва иродасини ыстириб чини=тиришда ващар =андай =ийнчиликларни енга оладиган, мещнатсевар кишилар =илиб тарбиялашда хал==а, давлатимизга катта ёрдам беришлари керак.

Щозирги замон болалар адабиётининг энг яхши асарлари катта бадиий кучи, бой, равон, образли ва ифодали тили билан ажралиб туради. Шу сабабли бундай асарлар китобхоннинг севимли дыстига,щамрохига айланиб =олади. Инсонни болаларга аввало буюк =ащрамон, номаълум мамлакатларни кезган =ыр=мас сайещ, афсонавий пащлавон,ща=и=ат учун курашувчи, ыз орзу-умидларига соди=, иродали =илиб кырсатиш керак.

Барча ёзувчиларнинг энг яхши асарлари болаларни атрофдагищодисаларга ты\ри бащо беришга ыргатади, кишиларимизнинг юксак маънавий сифатларини кырсатади, болаларни она - Ватанга, мещнатга,щар хил ишларга мущаббат, садо=ат рущида тарбиялайди.

Китоб болаларгащаётни ыргатувчища=ий=ий муаллим былиши учун уларнинг китобхонлигини ты\ри ташкил =илиш керак. Болаларни китоб танлашга, мунтазам равишда ы=иш ыргатиш лозим. Ы=илган китоблар юзасидан ы=итувчининг ращбарлигида турли

мулощазалар, мущокамалар, китобхонлар конференцияси ыткaзиб туриш катта фойда келтиради.

Ы=итувчи ва тарбиячиларнинг болалар адабиётидан фойдалана билишлари, мактабда ва бо\чада таълим - тарбия ишларининг сифат ва самарасини янада ю=ори даражага кытариши, ы=увчиларнинг бадиий китобларга былган мущаббатини ошириш ишларини яхшилаш воситаларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. А.Суюмов, М.Жумабоев «Болалар адабиёти».

2 УТА журнали. 1995 йил.


# 2-мавзу
# Болалар адабиёти ва фольклор

**Р Е Ж А:**

1 Афсоналар

2 Қўшиқлар

3 Топишмоқлар, мақоллар, тез айтишлар

Таянч тушунча.Афсона,ривоят,мақол,топишмоқ.


q. Х. Раззоков, Т. Мирзаев. {&збек халз оззаки поэтик ижоди} Тошкент-1980й.

w. М. Алавия. {&збек халз маросим 37шизлари} Тошкент-1974 й.

e. Г. Жалолов. {&збек фольклорида жанрлараро муносабат}Тошкент-1979 й.

r. М. Афзалов. {&збек халз эртаклари 8азида} Тошкент-1964 й.

5 У ким, бу нима. Болалар энцклопедияси. 1 том – Т-1987, 3 том – Т-1988.

6 .Охунжон Сафаров. Болаларни эркаловчи Ўзбек хал= =Ўши=лари. Т – 1999


Болалар тамонидан ёки болалар учун катталар тамонидан яратилган оғзаки ижод намуналари болалар фольклорига киради.Болалар фольклорининг доираси ниҳоятда кенг бўлиб, унинг намуналари халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларида мавжуд. Булар ашула қўшиқлари, эртаклар,тез айтишлар,топишмоқлар,ўйин қўшиқлари,эрмаклар ва бошқалар.Катталар болани бешикка солиш, ўтқазиш,юргизиш, сакратиш, ўйнатиш ва овутишларда кўпгина эркалатадиган сўзлар айтадилар.

Болалар ўйинлари ваўйин билан айтиладиган қўшиқларнинг кўплари йил фасллари билан боғланган.”Бойчечак”, “Офтоб чиқди оламга”, “Читтигул”, “Лайлак келди ёз бўлди”, “Қурбақа”, “Қалдирғоч”, сингари қўшиқларни болалар том бошларида, далаларда, қишлоқ кўчаларида, девор-томлар тагида айтишади. Улар баҳор келиши, қуёшнинг оламни иситиши, қушларнинг учиб келиши,сувларда қурбақаларнинг пайдо бқлиши билан боғланган.”Ёмғир ёғалоқ” қўшиғи эса деҳқон болаларни қувонтирган,деҳқончиликда мўл ҳосил ваъда қилган баҳор ёмғирини ёғишини тасвирлайди,албатта. Кўп қўшиқлар ота-оналарнинг меҳнат жараёни билан боғланган.Улар болаларнинг “Тепдим сандиқ очилди” сингари қўшиқларига ўхшаб тўқилган.

Оқ шоли, кўк шоли,
Оқ шолини оқлайлик,
Кўк шолини кўклайлик
Ниёзбекка сақлайлик...

Болалар ёшликдан меҳнатда қатнашадилар.Улар катталарнинг ишига ўз улушини қўшадилар,экинларни бегона ўтдан тозалайдилар, буғдойзорларни,боғларни қушлардан қўрийдилар.

Жўхорилар бўлди оқ,
Қўнма шум қораёлоқ,
Агар қўнсанг,урайин,
Бўлар оёғинг чўлоқ,

Ҳа-ю, ҳуввв!

Болалар йилнинг ҳамма фаслида ҳам ўйин билан шуғилланадилар,овунвдилар.Бу ўйинларнинг кўпчилиги катталарнинг меҳнат жараёнига тақлидан ўйлаб топилган. Ўйин ҳам, қўшиқлар ҳам болаларни ҳам ақлий ҳам жисмоний камолатга етишига ёрдам беради,эстетик завқ ўйғотади.

Халқ оғзаки ижодида шундай қўшиқлар борки, уларнинг айримлари қадимги даврларда муаян маросим ва урф одатлар билан боғлиқ бўлган.Кейинчалик улар катталар репертуаридан чиқиб, бутунлай болалар фольклорига ўтган.Шундайлардан бири “Бойчечак” қўшиғидир.

Бойчечагим боласи,
Қулоғида донаси.
Донасини олай десам,
Чиқиб қолди онаси.
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.
Бойчечаги бойланди,
Қазон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қазонларининг вайронди...

Бойчечак ернинг қори эриб тугалланиши билан ер бетига чиқиб ҳамал кирганини билдирадиган ўсимликдир. Унинг пайдо бўлиши халқимиз орасида қадимги замонлардан бери ўтказилиб келаётган наврўз байрамига тўғри келади . Бу байрам кунлари ҳар бир хонадонда қоқи мевалардан шарбатлар тайёрланган, бўза, қимиз, айронлар ҳозирланган. Янги чиққан ўсимликлардан кўк сомса,чучваралар пиширилган, маҳаллаларда сумалак, кўк оши базмлари бошланган. Худди шу фаслда болалар тўп-тўп бўлиб бойчечак ўсимлигини дала-қирлардан қидириб топишиб, сўлиб қолмаслиги учун илдиздаги лойи билан латталарга ўраб, кўчама-кўча, ҳовлима-ҳовли юриб қўшиқ айтганлар. Бойчечак мадҳи айтилган юқоридаги парчалар ана шу хушчақчақлик кайфиятини акс эттирган.”Бойчечак” қўшиғининг тўртликларини ёлғиз бола айтса, нақоратни биргалашиб куйлашган.

“Офтоб чиқди оламга” қўшиғида болаларнинг ўзига хос аразы, норозилиги ифодаланган.

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга.
- Ана дала,ер, деди.
Холам ўтин тер, деди
Ўтин тердим бир кучоқ,
Кулча ёпди бир ўчоқ.
Ўғлига берди анча,
Менга бир куюк кулча.

Баҳор-кўклам куёши болаларни шод этади. Улар қиш совуғи, ёқимсиз лойгарчиликдан қутилиб, қиш чопонларини ташлаб, енгил-елпи кийимлар билан ҳар тамонга чопқиллашиб ўйнайдилар.

Шамол,хотининг ўлди,
Кетмон олиб югур!
Шамол,бағринг камол,
Чўлоқ кетмонингни олиб бор!-

деб шамолга хитоб қилишиб, томларда,ялангликларда варрак учирадилар.

Наврўз даракчилари бўлиб, қўни-қўшни, қариндош-уруғларникига чопдилар.

Лайлак келди,ёз бўлди,
Қаноти қағоз бўлди.
Ўйинимизни бермаган,
Наврўзжон бўғоз бўлди.

Бу ерда эслатилаётган “Наврўзжон” киши исми бўлиш билан бир қаторда наврўз фаслининг эркалатиб айтилишидир. Кўпинча лайлак келиб, ерлар кўм-кўк майсалар билан қопланган,ўриклар гуллаган чоқларда ҳам тасодифий ёғадиган “сариқ қорлар” бўлади. Бу ҳодиса халқ орасида «қиш болалади» деб қўйилади. Бундай вақтларда болаларнинг эндигина бошланган баҳорги ўйин-кулгулари уч-тўрт кун тўхтаб қолади. Шу билан бирга, ўйинга қўшилмаган Наврўзжонни эрмаклаш ҳам бор. Юқоридаги мисолда ўша кечинма ифодаланган.

Баҳорги ёғингарчиликдан ҳам болалар ўйин-кулги, ҳазил сифатида фойдаланадилар.

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки соғалоқ,
Бойнинг ўғлининг
Қорни думалоқ.

Ўғил ва қизил болалар орасида яқин кунларгача “Тўп”,”Тўп тош”,”Читти гул” каби ўйинлар бўларди.Бу ўйинларнинг ҳар бирининг ўзига хос қўшиқлари бўлиб, улар щйин жараёнида бир бола ёки кўпчилик тамонидан ижро қилинган. Масалан.

Ла-ла-ла-лай, ла-ла-ла-лай,
Олти пулга чой олай.
Чойнагимнинг сопи йўқ,
Келин аям тоби йўқ.
Томга сепдим седана,
Териб есин бедана.
Тақир –туқир обжувоз.
Менинг акам қурчоқбоз,
Қурчоқбознинг хотини
Қанд ўралган оқ қоғоз.

Бу кичик ёшдаги болалар қўшиғидир. Болалар ўз даврасида уни айтиш орқали қўшиқчилиги билан мақтаниб, ака ва келин аяларини тасвирлаганлар.

Қиз болаларнинг тўп (копток) ўйинларида қуйидаги қўшиқ ижро қилинган.

Бирим – билан,
Икким – илон,
Учим – учак,
Тўртим – тўшак,
Бешим – бешов,
Олтим – олтов,
Еттим - еттов.
Тўққизим – тўқлан,
Ўним – бужмак.

Бу қўшиқ коптокнинг ер ёки деворга урилишига ҳамоҳанг бўлиб, у орқали ютуқлар сони ҳисобланади.Ҳаракат ва овознинг ритмик бирлиги ўзига хос мусиқийлик яратиб, боланинг ўйин ҳолатидаги кайфиятини ифодалайди.

Тўп ўйинида ютган қиз ўз шодлигини қуйидаги мисраларда билдиради.

Чархим чархчида кетди,
Йиғим йиғчида кетди,
Ўн беш тилла марварид
Тилла сандиқда кетди.
Тилла сандиқ очилди,
Тагига бодом сочилди,
У бодомни тергунча,
Қанотларим қайрилди.
Қанот беринг учайлик,
Шўр дарёни кечайлик

Шўр дарёда нима бор?
Ҳасан-Ҳусан ўғли бор,
Ҳасан-Ҳусан уришди,
Қизил қонга бўяшди.
Қизил қонни ким ювди,
Фотима, Зухра қиз ювди.
Зухрасига зўр дўппи.
Фотимасига пар дўппи,
Қизга қизил паранжи,
Бизга бахмал паранжи...

«Тўп тош» ўйини кичик ва ўрта ёшдаги болаларга хос бўлиб, унда маррага яқинлашаётган ўйиндаги ҳарифини ютган қиз шундай куйлайди.

Ҳожи Муҳаммад-о,
Қўрғони баланд-о.
Қўрғонидан ошайлик
Зар гиламни тўшайлик,
Зар гиламнинг устида,
Қизил ипак эшайлик.
Қизил ипак чигалчак,
Холжон ойим келинчак.

Холжон ойим туғибди,
Йўргагини ювибди,
Дор ёғочга ёйибди,
Бойнинг ўғли кўрибди,
Олма билан отибди
Беҳи билан қоқибди.
Марра бизники,
Уза қолиш сизники.

Бу қўшиқда ўйинда ютган қизнинг ўзига хос соддача мағрурлиги, шу билан атроф-муҳитдаги ҳодисаларга муносабати ҳам акс этган. Демак, ҳаёт ва унга муносабат болалар қўшиқларининг ҳам асосий ғоявий мазмунини ташкил қилади.

Болаларнинг ўзига яқин кишилардан норозилиги ҳам баъзи қўшиқларда турли-туман ҳодисалар тавсифига қўшиб ифодаланади.Бу жиҳатдан қуйидаги қўшиқ характерлидир.

Апишдию-апишди,
Янгамнинг оши пишди,
Акамга қўйган ошни
Ҳакка чўқиллаб қочди.
Ҳаккани қува-қува,
Йўлдан бир ойнак топдим.
Сув менга балиқ берди.

Балиқни баққолга бердим,
Баққол менга тариқ берди.
Тариқни товуққа бердим,
Товуқ менга тухум берди.
Тухумни ўтга кўмдим.
Пақ этди-ю, шақ этди,
Ёрилди, кетди.

Саргузаштли бу қўшиқда ош пишуви, уни ҳакка чўқиб қочиши, топилган ойнакнинг турли предметларга айрибошлаши ва, ниҳоят, тухум пишиши вақтида ёрилиб кетиб ҳамма умидлар пучга чиққанлиги тасвирланади.

Қўшиқларда маълум тарихий давр яққол кўриниб турибди. Боланинг кишиларига муносабати, баъзан аянчли аҳволи-ўгай онага қарамлиги соддалик билан ифода қилинади. Аммо ўйиннинг охирги оптимистик руҳ, енгил оҳангдаги шух сузлар билан якунланаверади. “Чучвара қайнайди” ўйинида икки қизча қўлларини бир-бирларининг бўйнидан ўтказиб, бири ўнгга, иккинчиси чапга айланганлари ҳолда шундай қўшиқ айтадилар.

Чучвара қайнайди-я,
Онам менга бермайди-я.
Бермаса бермасин-а,
Оқ уйимга кирмасин-а.
Оқ уйимда кўк танга
Кўк уйимда кўк танга

Жоним Зулайхо-я,
Зулайхонинг боғида
Бир туп олича-я,
Оличанинг устида
Тилла жинқарча-я,
Жинқарчани учирдим,
Ўртоғимни қочирдим.

Юқорида келтирилган мисоллардан ташқари яна болаларнинг “Думсиз тулки”,”Жўжали товуқ ва калхат”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Оташиб келдинг”, “Урди-минди”, “Лафчармак-латабурамак” каби қатор ўйинлари ва уларнинг қўшиқлари бўлган. Бу ўйинлар республикамизнинг турли жойларида ҳар хил номлар билан учрасада, мазмуни асосан бир хил. Улар болаларнинг хурсандчилик кайфияти, шўхлиги, ўйин-кулги, шунингдек, турли кечинмаларни ифодалайди.

Одатда, болалар кечқурунлари тўпланиб, ойдин кечаларда узоқ вақтгача гаплашиб ўтирадилар, топишмоқлар айтишади, эртак тинглашади, турли хил ўйинлар

ўйнайдилар.Ўйиндан кейин уй-уйига тарқалишади.Бу жараён бошдан охир қоида шаклида "ишлаб чиқилган ". Масалан, болаларни ўйинга чиқаришда.

-- Томда товуқ қотарми,
Айронингдан тотарми?
Ўйин ёқмас болалар,
Номозшомдан қотарми?
Кел-ҳо!!! Кел-ҳо!!!

Ўйинни бошлаш учун кўпинча чек ташланади ёки саноқдан фойдаланилади. Онабоши болаларни санайди.

Бир,икки, ўн олти,
Ўн олти деб ким айтди?
Ўн олти деб мен айтдим,
Ишонмасанг санаб боқ!

"Боқ" кимга тушса, шу чиқади, охирги қолган бола навбатчи бўлади. Саноқлар-ўйин термалари ўзбек болалар ўйинларининг таркибий қисми, дебочаси, "ўйин боши"дирлар. Саноқлар киши диққатини жалб қиладиган даржада қувноқ оҳангга эга, чиройли шеърий безаклардан таркиб топади.

Болалар ўйинлари ичида фольклор элементлари кўп учрайди. Булар воқеабанд шеърий парчалар, диологлар, савол-жавоблар, топишмоқ жумлалардан иборат бўлиши мумкин. Ўйинлар, одатда, болаларнинг уларга хос енгил ҳаракатлари, шўхлик, қийқириқ. Ҳаяжонлари асосида тузилган бўлиб, шеърий парчаларнинг оҳанги шу ҳаракатларга мосланган бўлади. Масалан, қувлашмачоқда қочувчи бола иккинчи боланинг орқасига "дарра"ни қўйиб қайтаркан дейди "Рўмолчамни ташлаб кетдим, бир ўртоғим олсин-да!". Шу сўзларнинг тўзиёқ ўйин динамикасини белгилаб турибди.

Болалар фольклорида болаларнинг кундалик фаолиятида ишлатиладиган шундай тизмалар борки, улар қувноқ юмор билан йўғрилгандир. Уларда болаларнинг бир-бирига ҳазили. Бир-бирини эрмак қилиши, айрим болалардаги нуқсонлардан кулиш, атроф-муҳит ва ҳаётга муносабати ифодаланган. Жумладан, кичик ёшдаги шўх, чечан болалар баъзи ишёқмас, дарсга ақли етмаган болаларни танқид қилиб тубандагича эрмаклаганлар.

Анаву болани-я,
Кўзи олани-я.
Хом ошқовоқ,
Елпиш тавоқ.

Булардан ташқари, "Гули-гули", "Мана гул, ниманинг гули", "Бўласизми?" "Ўхшатдим" ва тарафкашлар бир-бирини турли предметларга қиёс қиладиган бола танқидлари мавжуд. Булар катталар орасидаги чандишларга ўхшаб, аския жанрининг ибтидоий кўринишларидан ҳисобланади. Бундай сўз ўйинларида икки ёки бир қанча бола бир-бирига тарафкаш сифатида иштирок этади. Ўйиндаги болалар бир-бирларининг қиёфаси, феъл –атвори, оилавий аҳволини ( баъзан ота-оналарини ҳам қўшганлари ҳолда ) ўзларига хос ибтидоий сўз ўйинлари, қочириқ. Киноя билан турли-туман нарса ва ҳодисаларга ўхшатиб эрмак қиладилар.Шу усулда қизғин фикр, ақл мусобақаси давом этади, бундай тортишувлврда сўз ва ибораларнинг кўп маънолилига эътибор берилади.Бу хил тортишувларда қайси тамон вакимнинг турмуш ҳамда турмуш ҳодисалари , нарса ва предметлар ҳақида тасаввури кўпроқ, билими, тушунчаси, сўз бойлиги ортиқроқ бўлса, ўша ютади.

Э ш м а т . Осмондан тушдим кўрпа-тўшагим билан,
Тагимда йўрға эшагим билан.
Т о ш м а т . Осмондан тушдим чигитдек бўлиб.
Сен билан чандишаман йигитдек бўлиб.
Э ш м а т . Қайрағоч, чандиша олмасанг,йўқол. Қоч!

Т о ш м а т . Тут жавоб бера олмасанг, дамингни ют!
Э ш м а т . Отангиз аллопмиди, оғзингизни қопдек лаб уриб қўйибди.
Т о ш м а т . Отангиз қассобмиди, терингизни тилиб-тилиб сотмоқчи бўлиб Юрибди.
Э ш м а т . Онангиз ун элаганмиди, бошингизга гарди ёпишиб қолибди.
Т о ш м а т . Онангиз қиём пиширганмиди, бурнингиздан чиққунча ялаб Олибсиз.

Топишмоқлар ҳам болалар ўйинларининг бир тури ҳисобланади. Топишмоқлар бола тақдирида муҳим ўрин тутган , унинг интеллектуал ўсишида фаол иштирок этган, халқ педагогикасининг қўшиқлар, эртаклар сингари, ўз хусусиятлари билан улардан фарқ қиладиган поэтик, ақлий машғулотларидан биридир. Болалар топишмоқларни топишда қатнашар экан , ўзини қуршаб турган оламни кузатишга, табиат ҳодисаларини билиб олишга, уларга бўлган муносабатни билдиришга ўрганадилар. Топишмоқни топиш боладан анчагина билим, кузатувчанлик ,фикр қила билишни талаб қилади. У буни кўпчилик билан, топишмоқнинг жавобини топиш жараёнида ҳосил қилади. Топишмоқлар шаклан ихчам, мазмунан теран, поэтик жиҳатдан гўзал бўлади.

Топишмоқчилик репертуари кун сайин кенгайиб боради, мазмуни бойийверади, бадиий формаси турмуш талабига мослашган ҳолда, болаларнинг эстетик тарбиясига хизмат қилади.

Болалар тез айтишлари бола таллафузидаги айрим нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида мураккаб жойлашишига асосланади. Халқ орасида булар “тутал”, “чалғитувчи”, “чалиш” деб юритилади. Лекин фольклористик термин сифатида “тез айтиш” умумлашади.

Тез айтишда маълум фонемалар (кўпинча жарангли ундошлар) такрорланади. Жумладан, болалар”ш”, “р”, ундошларини айта олмай “с”, “л”. “й” шаклида таллафуз қиладилар ва енгил кулгиги сабаб бўладилар. Масалан, “Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида турп. Тутнинг томирини турп туртиб турибдими ёки турпнинг томирини тут туртиб турибдими?”.

Бу гапларда “т” товуши иштирок этган сўзларнинг кўп ишлатилишидан тез айтиш (тутал –сўзлардан бирортасини айтишда тутилиб қолиш ёки бошқача таллафуз этиш ) ҳосил бўлади. Бу гап кўп қайтарилиши, машқ қилиниши билан унга кўникма ҳосил бўлади.

Ёки.” Ўш пашшаси пес пашша” содда гапидаги вазндош ва оҳангдош сўзларнинг ёнма-ён келтирилиши ҳам таллафуз этганда янглишиш, сўз шаклини бузишга олиб келади.

Юқорида келтирилган содда тез айтишлардир. Шу билан бирга, анча мураккаб тез айтишлар ҳам борки, улар маълум бир ижтимоий ҳодисадан туғилган эрмакни ҳам ифодалайдилар. Масалан, “Наманганда уста Мусо пуч пистафуруш экан. Унинг олтмиш уч қоп пуч пистаси бор экан.Олтмиш уч қоп пуч пистаси бўлса ҳам ўша уста Мусо пуч пистафуруш, олтмиш уч қоп пуч пистаси бўлмаса ҳам ўша уста Мусо пуч пистафуруш”.

Бу мисолда мураккаб тутал пайдо бўлишидан ташқари ,уста Мусо пуч пистафурушнинг алдамчилиги (пуч писта сотиши)дан туғилган юмористик кулги ҳам мавжуд.

Демак, тез айтишлар болалар талаффузидаги нуқсонларни йўқотишга қаратилганлигидан ташқари, ёшлар орасида ақл ва сўзамоллик, чечанлик мусобақаси сифатида ўйин-кулги, кўнгил очиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Тез айтишлар кичик ва мактаб ёшидаги болалар нутқидаги айрим товушларни бузиб талаффуз этиш ҳолларини тузатишга, тўғри сўзлайдиган болаларда эса, адабий талаффуз нормаларини мустаҳкамлашга, ниҳоят, болаларни жумлалардаги мантиқий

урғуни топиб сўзлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Болалар фольклорининг намуналари шу кунларда ҳам яшамоқда, бир қанч фольклор асарлари эса, мактаб дарсликлари ва ўқиш китобларига киритилиб,уларга янгича ҳаёт бағишлайди. Болалар фольклори ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши ва тараққиётида катта роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Назорат саволлари.

1 Болалар ўйинлари ҳақида гапиринг.
2 Топишмоқларнинг аҳамияти нимада кўринади?
3 Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти нимадан иборат?
4 Тез айтишлар талаффузнинг қайси жиҳатларига ёрдам беради?
5 Қўшиқлар қачон ва ким тамонидан айтилади?

3-мавзу

# Мавзу: 20-30 йиллар болалар адабиёти
# Болалар адабиётининг шаклланиши ва болаларга атаб ёзилган асарлар

## Режа:

1. Ызбек болалар адабиёти тарихига бир назар.
2 20 - йилларда болалар адабиётищазинасигащисса =ышган адиблар
3 30 - йиллар болалар адабиёти.

Ойбекнинг болаларга атаб ёзган асарлари

/улом, Зафарий, Хамза Щакимзода Ниезий, Садриддин Айний ва Абдулла Аволнийларнинг болаларга атаб ёзган асарлари.

Таянч тушунча. Давр ҳақида маълумот. Хайрия жамғармалари ҳақида гапиринг.

«Бола» тушунчаси шунчаки мущаббатга йы\рилган таъкидни ифодалаганида бещад \ариблашган быларди, унда катталар,щатто ёшларга иыхшамайдиган ызгача бир табиат зущуроти инъикос топган,щам бола,щам ысмирликни =амровчи кенг маъно бор.

Россиянинг Ырта Осиени босиб олиши туфайли бу заминда миллий исти=лолщаракатини бошлаб берган жадид маърифатпарварлиги болалик =иефасида Ватан эрки учун курашчиларни кура олди, шу бойис таълим мазмунини шу ма=садларга мувофи=лаштириб, ислощ =илиш талаби билан чи=а туриб, ызбек болалари учун шу \ояларни тушунарли =илиб ифодаловчи болаларбоп махсус бадиий адабиет яратишга бел бо\лади. Натижада XX аср арафаларида ызбек болалари замон о\ри=ларини ызлари англаган даражадаги кечинмаларга йы\рилган бошда бир =одар одмиро= былса да, болалар еши, савияси, диди, фа=м-фаросоти ва тили имкониятлари доирасида ифодалашга кириша бошлаган миллий бадиий адабиетларга эга была бордилар.

М.Бещбудий, Мунаввар +ори, А.Авлоний, С.Айний, А.Фитрат, Щамза ва уларнинг =атор издошлари фаолиятига назар солиш ана шу нарсани тыла тыкис тасди=лайди.

XVII - XVIII асрларда куртакланиб, XIX асрда мавж ура бошлаган маърифат парварлик адабиетининг болаларбоп намуналарини ырганиш кызда тутилмо\и лозим.

Биз ю=орида болаларбоп асарлар иборасини =ылладик, бундай деб таъ=идлашимизнинг сабаби шундаки, ытмишда яратилган айрим асарларщаммабоп еки, асосан, катталарга мылжалланган эса да, даврлар ытиши билан болалар эщтиежи доирасига кира борган, катталар ы=иши доирасидаги эщтиеждан чи=а борган.

Чунончи, А.С.Пушкин шеърий-адабий эртакларини болаларни кызлаб езмаган ыша замонда уларнинг ы=увчилари ул\айган авлод эди. Худди шундай щодисани Убайд Законийнинг (1270-1370) «Мушик ила сич=он =иссаси» асари мисолидащам кыриш

мумкин. Бундан 600 йилгача илгари яратилган бу асар катталарга мансуб авлод дидига мувофи= =илиб ёзилганда, даврлар ытиши билан XIX асрнинг II ярмига келиб болалар оламига кира борди.

Болалар китобхонда болалар ёши, савиясинищисобга олиш нисбий мо\иятга эга. Мактаб дарсликлари ы=ув дидактик характердаги асарлар ва профессионал болалар адабиёти бундан истисно былиб, уларда болалар ёш хусусиятлари ва савиясининг инобатга олиниши =атьийдир. Бунда болалар адабиётида образли тафаккур амал =илса, болалар китобхонлигида манти=ий устиворликнищам таъкидлаш жоиз.

Ызбек болалар адабиёти.

Бунда, асосан, XX аср бошида пайдо болиб, шакилланиш жараёнига кирган ва 60 - йиллардан эътиборан ривожлана бошлаган ызбек болалар шеърияти, насри, драматургияси ва киноси, публицистикаси, адабий тан=иди ва адабиётшунослигидан иборат тизим кузда тутилади.

Болалар адабиётининг тара==иёти хусусиятлари \ояпарастлик а=идалари асосида бащоланиб, ызбек болалар адабиётининг пайдо былишида жадид маърифатчилиги утаган тарихий хизмат эътироф этилмайди, 20-30 йилларда =ата\онга учраган Элбек, Шокир Сулаймон, /улом Зафарийлар сингари ижодкорлар фаолияти щамон щар тарафлама илмий урганилмай келинди.

20 - йилларнинг бошларида болалар учун махсус адабий - бадиий ойномалар, шеърий тыпламлар нашр этила бошланди. Булар болалар адабиётининг юксалишида ва болалар ёзувчиларини етиштиришда мущим роль ыйнайди. М.Горький 1919 йилда биринчи болалар ойномаси «Шимол егдуси»ни ташкил этган ва=тда Петроградда «Красные зари» Тошкентда эса «Ёш туркистонликлар» ойномалари чи=а бошлади. Бу ойномаларда умумий ыхшашликлар бор эди.

Ойномалар ёшларни янгищаёт билан атрофлича таништиришни ыз олдига асосий вазифа =илиб =ыйганди.

Ёш туркистонликлар ойномаси рус тилида былиб, унинг айрим сащифаларигина ызбек тилида босилар эди. Ойнома ыз ы=увчиларига мурожаат =илиб, сизларга эркинщаёт келтирганщамда бу курашларда =ащрамон онащало= былган кишиларщаётища=ида, келажак авлоднинг =андай бахтли турмуш кечириши ты\рисидащикоя =илиб беради, дер эди. Шубщасиз, бу даврдаги ойномалар айни=са болалар адабиётининг юксалишида мущимщисса =ушади.

Ёш туркистонликлар ойномаси сащифаларида Самар=анд тарихига оид материаллар, ажойиб биноларнинг расмларища=ида маълумотлар босилган. Булар болаларни ытмиш тарихи, шу жумладан, Самар=анд тарихи билан таништиришда катта ащамиятга эга былди.

1919 йилда май ойидан бошлаб Самар=анд вилоят хал= маориф шыъбасининг «Болалар дунёси» ойномаси чи=а бошлади. Бу ойномащам ы=увчи болаларга маърифат тар=атишга ызининг асосий вазифаси =илиб =ыяди.

Ойномада /улом Зафарийнинг бир пардали «Бащор» номли операси босилган эди. Бу асар лапар усулида ёзилган былиб, унда бащорни тасвирлаш ор=али драматург ыша давр учун жуда мущим былган таълим - тарбия масалаларини кытариб чи=ади.

1929 - йилдан бошлаб болалар учун махсус «Ёш куч» ойномаси чи=а бошлади. 20 - йилларда катталар учун асарлар ёзган шоирларнинг ижодида болаларга атаб асарлар ёзиш аста-секин кыпая берди. Шу билан бирга 20 йилларнинг охирида фа=ат болалар учун асар ёзишни ма=сад =илиб шоирларщам етиша борди. З.Диер, Д.Оппо=ова, Зафарий, И.Муслим, А.Ращмат, С.Жыра, Ш.Саъдулла, Мущаммадий, Щаким Назир, М.О=илова каби болалар ёзувчиларининг ижоди аста - секин шакллана борди.

20 йилларнинг биринчи ярмида Щ.Щ.Ниезий, С.Айнийлар болаларга атаб бир =анча асарлар ёзган былсалар, /айратий, /./улом, Ойбеклар болалар учун бир =анча асарлар ёзиб, болалар адабиётининг ривожига ызщиссаларини =ышдилар.

Элбек - Машри= Юнусов 20 йилларда болалар учун эртак, масал ва =ыши=лар ёзган шоирдир. Унинг «Арму\он» масаллар тыплами 1923 йили Туркистон жум\урияти давлат нашриёти томонидан босиб чи=арилди.

20 йиллар ызбек болалар драматургиясининг ривожланишига маълумщисса =ышган ёзувчилардан бири шоир ва драматург Зафарийдир. У мощир ы=итувчи былибгина =олмай, ёзувчилик ва муси=а талантига эга былган адибщамдир. Педагогика фаолияти, ёзувчида болаларга былган мущаббат уни болалар учун асарлар ёзишга ундайди. У 20 йилларда болаларга атаб «+уен», «Эрк болалари», «Бащор», «Гунафша», «Мозорликда» каби шеър, =уши= ва бир пардали ёки кыринишли пьесащамда сащна асарлар яратди.

Унинг болаларга ба\ишлаб ёзган энг яхши асарларидан бири «Тилак» 1922 й. пьесасидир.

1926 йилда Зафарийнинг «Болалик дунёси» номли махсус томошалар китоби босилиб чи=ади. Бу тыпламга «+уен», «Тыс=инчилик», «Ращимлик ы=итувчи» каби пьесалари киритилган.

Зафарийнинг ю=орида тилга олган баъзи асарлари бадиий жищатдан быш, схематик тарзда былсада, бу болалар адабиётининг нисбатан ёш эканлиги,щали изланишлар жараёнида эканлиги билан изощланади.

Щамзанинг педагогик фаолияти 1911 йилдан бошланади. У дастлаб +ы=он шащрининг Щожибек гузарида камба\алларнинг фарзандлари ва етим - есир болалар учун янги усулдаги мактаб очади.

1915 - йилда жащон уруши бошланади, бунинг натижасида мещнаткаш хал= янащам =ашшо=лашади, болалар нищоятда аянчли ащволда яшашади. Щамза шеър ва ма=олаларида болаларни ы=ишга ча=иради. Бу \оят Щамза «Ы=и» шеърида баён этади. Щамза биринчи синф ы=увчилари учун «Енгил адабиёт», 2- синф учун «Ащло= щикоялари» ы=иш =итобларини тузади.

Щамзанинг «Ты\ри сыз бола» шеърида барча нарса пул ва бойлик билан ылчанган жамиятдащамма нарсадан кыраща=и=атни устун =ыйган ижобий =ащрамон - бола образини яратади.

Бир бола ы=ишдан =айтаётганида икки киши унинг йылини тысиб, бири деди:

- «Галга берурман сенга, сызла бир озгина ёл\он менга». Шунда бола унга жуда данолик ва зукколик билан унга жавоб =айтаради

«Сызланг, ако, =оматимизга =араб»  
Бу сызингиз аслда ёл\он эрур.  
Тангага ёл\онни ким олган эрур,  
Сизда кып экан ызи ёл\ан ако,  
Сиз они аввал сотиб айланг адо...

Шоир бу шеърида болалар ёшлигидано= ростгыйлик рущида тарбиялаш лозимлигини у=тиради, уларни ёл\ончилик ва алдамчиликдан узо=ро= юришга ча=иради.

Ызбек болалар адабиёти муносибщисса =ышган санъаткорлардан бири Садриддин Айнийдир. У ызининг шеърларидан таш=ари «Одина», «+уллар», «Му=анна =ыз\олони», «Етим», «Эсдаликлар» каби асарлари билан катта шущрат =озонган.

С.Айний 1909 йилда «Тащзибус сибиён» (болалар тарбияси) ы=иш китобини тузди. У Самар=анд шащрининг +ышщовуз мащалласида жойлашган мактабда муаллим былиб ишлайди. У маориф былимида йыл - йыри= кырсатувчи былиб ишлайди, ащоли ыртасидащозирги мактабнинг ащамияти ты\рисида сущбатлар =илар ва маърузалар ы=ир эди. С.Айний ызининг шу даврда ёзган «Дорилмуаллимин марши» (1919), «Мактаб марши» (1919), «Мактаб шар=ийси» (1920) каби шеърларида ёш авлодни мактабга ы=ишга ча=иради:

Юринг, ырто=лар билим юртига,  
Билим юртига юринг, ырто=ларЁ  
/анимат чо\лар =ылдан кетмасин,

+ылдан кетмасин \анимат чо\лар.

Муаллиф педагогик =арашларни «Тащзибус - сибиён» дарслигидаги Мущаммад Фарид, унинг синглиси Зайнаб, «+из бола ёки Холида» асарида Холида ва Фотима «Эсдалик»ларда Щабиба, Садриддин, Мущиддин образлари мисолида ани= ифодалайди.

А.Авлоний болалар адабиётининг майдонга келишида каттащисса =ышган шоирлардан биридир. Унинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» номли дарсликларищамда «Туркий Гулистон ёхуд ащло=« номли =ылланмалари ыз даврида ёшларни янгича йыналишда ы=итиш ва анъанавий миллий рущ асосида тарбиялашда катта ащамиятга эга былди.

Шунингдек ёш авлодни тарбиялашдек маъсулиятли вазифани энг и=тидорли инсон - муаллимларга топширилган экан, уларга шарафли касбларида муваффа=иятлар тилаймиз.

«Со\лом деганда биз фа=атгина жисман ба=увват фарзантларимизни эмас, балки маънавий бой авлоднищам кызда тутамиз, - деган эди Президентимиз И.Каримов 1993 - йилнинг 6 - майида Олий Кенгашнинг 12 - сессиясида сызлаган нут=ида. Чунки щар тарафлама со\лом авлодга эга былган хал=нищеч =ачон енгиб былмайди.»

30-йилларда республикамизда мураккаб бир жараённи бошидан кечирган давр сифатида характерлидир. Бу даврда сталинчилик юзага келиши хал=имизщаётида о\ир фожеалар кечишига сабаб былди.

Бу даврда ызбек болалар адабиётищам ызининг шоир ва ёзувчиларга эга была бошлади. Натижада назмда З.Диёр, И.Муслим, Ш.Саъдулла, А.Рахмат, С.Жыра, М.О=илова, +.Мущаммадий, Д.Оппо=овалар етишди, С.Айний, Уй\ун, Ойбек, /./улом, Щ.Олимжон, /айратий кабилар ижод =ила бошладилар.

Ызбек болалар ёзувчилари Ватан мавзуини ёритишга ба\ишланган анчагина асарлар яратилар. Бу асарлар ёшларни Ватанга садо=ат ва байналминал рущда тарбиялашда катта тарбиявий ащамиятга эга былди. Шу сабабдан Ватан мавзуи 30 - йиллардан кейинги ызбек бола адабиётида, унинг барча бос=ичларида ёзувчиларнинг ди==ат марказида турди, илщомбахш мавзулардан бирига айланди.

Мусо Тошмухаммедов ы\ли - Ойбек ызининг роман ва =иссалари, илимий - назарий, сиёсий, бадиий публицистикщикоялари билан ызбек адабиёти хазинасини бойитган ато=ли сыз санъаткоридир. Айни чо=да, Ойбек болалар адабиётигащам муносибщисса =ышган улкан адибдир. У яратган шеър ващикоялар, =исса ва достонлар болалар маънавиятига самарали таъсир этиб, ёш авлод эстетик дидининг шаклланишида катта роль ыйнамо=да. «Ёш йылчи», «Гунафша», «Боликни эслаб», «Шоирнинг болалиги», «Эски ва янги болалик», «Одобли Тур\ун», «Ащмаджон бо\бон» каби шеърий асарлари, «Зафар ва Защро», «Ща=гыйлар», «Алишернинг ёшлиги» =иссаси, «Глобус»щикоялар тыплами, «Болалик» каби асарлари шу жищатдан характерлидир.

Ёш Мусо илк саводни эски усулдаги мактабда олди. Ущаётнинг бу бос=ичини ызининг кыпгина шеърий асарларида, айни=са «Шоирнинг болалиги» шеърида муфассал тасвирлаган. Адиб эски усулдаги мактабда ы=иган ва=итларидаги о\ир ва самарасиз ытган кунларини надомат билан эслайди:

Эсиз... о, эсиз умирим,
Уриндим бир неча йил,
Нур кырмай - сиёщ дилим
Болалик былди чил-чил...

Шунга ыхшаган лавщалар унинг «Болалик» =иссасидащам берилади. Ёзувчи Ойбекнинг болалигищам барча мещнаткаш болалари каби кечади. Шоирнинг ёшлиги унинг «Шащарча болаларига», «Шоирнинг болалиги» шеърларида ыз аксини топган. Ойбекнинг

болалар ва ысмирларга ба\ишланган шеърий асарларида бугинги =айно=щаёт, илм, хунар ва мещнатга былган мущаббатларни, характерларидаги ватанпарварлик, ижтимоий бурчни англаш каби хусусиятларни тасвирлайди. Бу фазилатлар ыша даврда Ойбек асарларининг етакчи мавзуига айланди.

Ойбек кичик ёшдаги мактаб болалари учун Покистон болаларищаётидан «+онли бармо=лар» (1962 йил)щикоясини ёзди. Щикояда Покистонда тинчлик учун курашувчилардан =андай =асос олаётганлигини, тинчликка ва малайликка мащкум этилаётганлигищикоя =илинади. Ёзувчи буни асар =ащармони ты==из ёшли Алининг саргузашталари ор=али тасвирлайди. Бу асар фа=ат покистонлик Алинингщаёти учун хосщодиса былибгина =олмай, балки олтмишинчи йиллар капитализм сиёсатидаги камба\ал мещнаткаш болаларнингщаёти учунщам типикщол еди.

Мущими шундайщаётда доимо ёвузлик билан эзгулик орасида тинимсиз кураш бориши бу кураш инсонларни улу\ ишларга отлантириши мумкинлигинищис =иладилар.

Ойбек буюк ызбек шоири Алишер Навоийнинг болалик йилларища=идащикоя =илувчи ушбу =иссасини 1967 йилда ёзди.

Алишернинг ёшлигини =аламга олиш нияти адиб =албида =ир=инчи йилларниг бошларида ту\илган былиб «Навоий» асарини ёзиш даврида бу иштё=и янада кучайган эди. «Алишернинг ёшлиги» =иссасида Щиротдаги тарихий во=еалар, шащзодаларнинг Шощрущ вафотидан кейинги ызаро тахт учун курашлари ва шу даврда ытган Алишернинг болалик йилларища=идащикоя =илинади. +иссада Алишер образининг такомили ыша ва=тдаги таш=и мущит во=еалари ва зиддиятлари билан узвий ало=ида тасвирланади.

Ойбекнинг шахс тасвирини яратишдаги мащорати мазкур асаридащам ани= ыринади. У кыпинча ани= образ ва =ащрамонларининг таш=и =иёфасини чизиш ор=али уларнинг ижобий ёки салбий, маънавий дунёсини очиб беради.

Шоирнинг «Болалик» =иссаси автобиографик характерга эгадир. Унинг марказида ёш Мусанинг саргузашталари ётади.

Муса образинингщаётдаги асоси адиб, Ойбекнинг ызидир. Асарда Мусавойнинг етти ёшгача былган даврдаги характери шыхлик, тегажоклик, тиниб - тинчимаслик ва ыйин=аро=ликдан таш=ари, очи= кынгил, дангалчи ыткир зехинлилиги Ойбекона тасвирга эга.

Ойбекнинг «Зафар ва Защро» достони Покистондаги дещкон ва ишчи оилалари, улар болаларининг о\ир ва азоб у=убатларига тылащаётища=идадир. Достон =ащорманлари катта заминдорларга =ул былишига мажбур этилган дещкон боласи Зафар, онаси билан кычага уло=тириб ташланган ишчи =изи Защродир.

Китобхон достонининг бошидаё= Зафар мусибати мисолида покистонлик болаларининг аянчлищаёти билан я=индан танишади:

Зафар аста тентирайди, ёнса-да кун
Ёши ында, жингалак соч, кызи туй\ун
Эгнидадир парча латта, кир ва ямо=,
Товонларин туё=лаган =из\ин тыпро=
Ори= кучсиз =ылда чылто= супурги бор,
Бошида гынг сават, тентирар битган мадор.

Зафар шу тари=а ёш былишига =арамай кып о\ир кунларни бошидан кечиради. Ойбек Зафар ва Защролар ыртасидаги самимий дыстлик ришталарини, о\ирщаётга, зулмга былган чексиз нафратларини хилма - хилщаётий быё=ларда гавдалантиради.

Достон нищоясида Покистон Мещнаткашларищам чинаккам озодликка ва тыла муста=илликка фа=ат кураш йыли ор=алигина эришиш мумкинлигини ызгача хос йысинда ифода этилади:

Эрк,ща=и=ат инсонларни айлар кымак,

Тинчлик учун курашчилар сенга керак.
Покистоннинг болалари - етгай муддатЁ
Сизни эркли, бахтлищаёт кучгай албатЁ

Ойбек «Зафар ва Защро» достонида Покистон болаларидащам чет эл ва мащалий эзувчилар зулмига =арши нафрат ва \азаб туй\улари жыш ура бошлаганлиги кырсатади.

Ойбекнинг айни=са 30-йилларда ёзилган шеърлари яъни «+иши о=шом», «Эрта бащор», «Ёз кечаси», «+ора денгизга», «Кундуз», «Тонг», «Наъматак», «Юлдузлар чаман-чаман» каби шеърлари мущимдир. Бу шеърларни шоирнинг ижодий поэзиясига нисбатан шартли равишда соф лирика дейиш мумкин.

Ойбек ёз ойининг майингина эсаётган шабадасига ощистачай=алаётган бир туп наъматак дарахтига тикилганга шеър ы=ийди:

Нафис чай=алади бир туп наъматак,
Юксакда, шамолнинг беланчагида.
+уёшга кытариб, бир сават о= гул,
Нафис чай=алади бир туп наъматак.

Баланд - баланд =ирликлару адирлардан ошиб яйловдан =айтаётган =ый-=ызиларнинг маърашлари сылим Кавардон о=шомлари Ойбекка илщом беради. Унинг гыал табиятини ыз асарларига туширади.

Ойбек бир маромда шилдираб о=аётган анщор сувига тикилганча ойдин кеча таъсирда шеър айта бошлайди:

Ой нурлари мудрайди.
Япиро=ларнинг бетида
Теран сукут шу кунда
Кынглимга туташгандир.
Сынгсиз улу\ коинот
Мангу ёш гызал щаёт
Юлдузларнинг узо=да
Олтин киприги ыйнар
Сулди, эркалайди
Она каби менида.

Щар бир кишининг =албида олис болалик хотиралари яшайди. Болалик кезларидаги =адрдон кысчалар, бу кычалардаги яшинмачо= билан ытган кечалар, киндик =они тыкилган уй ва бу уйни ызларининг мавжудликлари билан равшан =илган ота-онаща=идаги хотиралар йиллар ыткан сайин янада азиз ва мыътабар былиб бора - беради. Аммо хотира сощибининг фоний дунёни тарк этиши билан бу хотираларщам ботаётган =уёш нуридек сынади.

Болалик... Ойбекнинг болалиги...

Паррандалар ор=асидан =увиб, томма - том варрак учириб юрган, арзон шафтоли харид =илиб, =имматро==а сатмо=чи былган-у, аммо чув тушган, чойхона ва дыконларга кириб мыйсафид кишиларнинг сущбатларига =уло= тутишни севган боланинг, бир пайт келиб, ызбек хал=ининг улу\ адиб былишини кимщамщаёлига келтирибди ышанда?Ё

+айси илощий куч рыз\ор ташвишларидан боши чи=май, фарзандларининг туз-насибасини олис =ишло=дан =идирган кишининг фарзандига улу\ инсон, забардаст шоир, адиб, таржимон ва аллома былиши шарафини ба\ишлади экан?Ё

Ойбек ызининг ижодий режаларидащали тугалланмаган «Болалик»ни =исса деб атаган былсада, у, аслида, хотиралар силсиласидан иборат. Шунинг учун адиб асарнинг 1967 йилдаги китоб нашрида «Болалик» сарлавщасидан кейин «Хотираларим» деган сызни ёзиб =ыйишни лозим топган.

Щулоса =илиб айтганда, Ойбек ызбек болалар адабиётининг шаклланиш ва юксалишида ю=оридаги каби асарлари билан каттащисса =ышган. У ызининг бундай асарлари билан болалар адабиётининг севимли =уйчисига айланиб =олди.

/афур /улом ва болалар адабиёти

Ызининг бутунщаёти ва ижоди билан хал=имизнинг миннатдорчилигини ващурматига сазовар былган бахтиёр адибларимиздан бири, замонамизнинг оташнафас куйчиси /./уломдир.

Дарща=и=ат, /./уломщаёти ва ижоди йыли ызбек хал=ининг ысиш, равнак топиш ва такомил йылидир. Шунинг учунщам тыла ишонч билан айта оламизки, шоир чинданщам ызини, ыз хал=ининг садоси, тилмочи деб фахрланишга тамомила ха=лидир.

Шоир ва адиб /./улом бугунги болалар адабиётининг майдонга келиши ва тара==иётида узининг каттащиссасини =ышган забардаст шоирлардан биридир.

/./улом ёшликдан отадан жудо былиб азоб у=убат, =ийинчилик биланщаёт кечирди. Оилани тебратишда опасига ёрдам бериш учун у турли юмушларни бажаришга мажбур былди. Кыриниб турибдики, /афур /улом оилик ва юпунлик туфайли ыз ва=тида ы=ий олмади.

Босмахонада харф терувчи былиб ишлаб тиричилик ытказиб юрган булажак шоир 1918 йилда Бокудаги саккиз ойлик ы=итувчилар тайёрлов курсига кириб ы=иди. /./улом болалар адабиётига 1923 йилда ызининг «феликс болалари» номли шеъри билан кириб келди.

/./улом болалар учун асарлар яратишни ызи учун бахт деб билди. У болаларга атаб «Мукофат» (1950), «Шеърлар» (1956), «Тонг-отар =ыши\и» (1959), «Бари сеники» (1953), «Бир гунча очилгунча», «шум бола», «Тирилган мурда» (1935), «Едгор» (1935) каби китоблар нашр эттирди. У болалар учун ёзганщар бир асарида ызининг ижодий принципига соди= =алиб жуда катта масулият билан =алам тебратади. Натижада шоирнингщар бир асарининг мазмунидан келиб чи=адиган асосий 1оя поэтик хулоса педагогик ну=таи назаридан кенг асосланган былади. Шоирнинг болаларга атаб ёзган асарларида уларнинг ёш хусусиятини а=л-идро=ини талаб ва эщтиёжини назарда тутганлигини кырамиз. Унинг «Авлодлар», «Билиб =уйки сени ватан кутади», «Аввал ы=и», «Бари сеники» каби шеърлари, «Тирилган мурда»щикояси, «Шум бола», «Едгор» каби =иссалари ёшлар ва ысмирларга мос келса, «Яша дейман ы\лим», «Ащмад ёмон бола эмасук, амоо», «Икки ёшлик», «Урдак ва тургун», «Кеккаймаочк Собир», «Ола бызо=« сингари шеърлари кичик мактаб ёшидаги болаларнинг =албига кириб боради. Шоирнинг «Нортожнинг курак тиши», «О= теракми кык терак», «Буни топинг =изларим», «Читти гул», «Байрам мактуби», «Уйлашни ырганамиз», «Сиз менинг ёшлигимсиз» шеърларида эса мактабгача тарбия ёшидаги китобхонларнинг дилига =увонч ба\ишлайди.

Шоирнинг «Уйлашни урганамиз» шеъри хал= о\заки ижодига жуда я=ин туради, мисралар оддий, содда сызлардан ташкил топган. Бир =араганда, маъно ва мазмунщам худди шундай туюлади. Аммо синчиклаб ырганадиган былсакщар бир мисрада,щар бир диалогда бола у ёкда турсин хатто катталарнинг орзущаваслари бир бутунлигича шеърга кириб =олгандек. Муз=аймогу кугирчо=дан бошланган ширин уйщаёл катта орзуга айланади. Зотан орзу ярим дунёщисобланади.

Шоирнинг «О= теракми кык терак» шеърищам бо\ча ёшидаги болаларга =увонч улашиб келмо=да. Бир неча авлод бу шеърни ы=иб ёдлаб, =уши= =илиб айтиб камол топган. Асарда тилга олинган А=бар, Тулкин, Хайри, Эркинларщозир бобо, буви былишган.

/./уломщар бир сызщар бир мисрани жуда катта санъаткорлик билан ырни ырингга =уйган,щаммаси рисоладагидек жуда гызал ва табиий чи==ан. Щатто болаларга =уйилган «бутало=«, «тойчо=«, «=изало=«, «=ызичо=« ла=абларищамщеч кимни ранжитмайди. Хал=дан олинган бу терминлар шоирнинг ижодий лабораториясида ишланиб сайкалланиб яна хал==а =айтарилад. +уши= тилдан тилга кучаверади.

Келинг =ыши= айтамиз
+ышилибщаммамиз
О= теракми кык терак
Биздан сизга ким керак. ХейЁ
Акбар бутало= керак. ХейЁ

/./уломнинг болаларга ба\ишлаб яратган энг яхши асарларидан бири «Яша дейман у\лим»дир. Бу асарда шоир болаларга романтик тый\уларни, уларнинг фан ва техникани эгаллашга булган =изи=ишлари тобора ошиб бораётганлигини оптимистик рущда тасвирлайди.

Орзулар руёбгачи==ан замонада кичкинтойларнингщам эзгу ниятлари оламча бор. Асар =ащрамони орзулар =анотида яшайдиган бола. Шунга кыра у ызини учувчи, танкист, жангчи, шоир сифатида кыради. Шеър ота бола диалоги асосига =урилган.

- Дада мен осмонга учар былсам,
Чеки йы= кыкнищам =учар былсам,
Юлдуздан юлдузга учар былсам...
Дада мен жунадим Арктикага,
Битта орти=ча путёвка сенга,
Эътибор бермай сову= осмонга,
Сен туманда =олиб не дейсан.
- Яша дейман у\лимЁ

/./улом кичкинтойларнингщаётларини одат ва =или=ларини жуда яхши билар эди. Буни шоирнинг педагогик мавзуда яратган асарлари мисолида яхширо= куриш мумкин. Чунончи, «Нортожининг курак тиши», «Ащмад ёмон бола эмаску, аммо» каби юмористик шеърларида кичкинтойларнингщаётларидаги баъзи юту= ва ну=сонлари шоирона очиб берилади. Щар иккала шеърдащам болаларни тозаликка, покизаликка, ювиниб, тараниб юришга, маданиятли былишга даъват этилади.

Табиийки, тиш инсон саломатлигининг мустащкам гаровищисобланади. Кимки тишинищамиша тозалаб юрса, тишида данак, енгок ча=маса унинг дурдек оппо= тишлари со\лом ва ба=увват былишидан таш=ари ызининг со\лгищам аъло даражада былади. Шоир баъзи болалар орасида Нортожи кабилар борлигини улар бепарволик =илиб тишларини =уртга едириб =уйишларини истамайди, аксинча «Щар кимки тишини тозалаб турса жони ором олур, ызи покизаЁ» былишларини орзу =илади.

«Ащмад ёмон бола эмаску, аммо» шеъридащам шу мавзу давом эттрилади. Аммо бу асарда бадандаги барча аъзоларни эщтиётлаш масаласи ыртага ташланади. Буни шоир бир =атор мисоллар воситасида юмористик йыл билан ёш китобхон =улогига =уяди. Асар =ащромони Ащмад аълочи ы=увчи.

Биро=, у ыз ызига хизмат =илишни, ювиниб тараниб юришни унча эп курмайди. Буни шоир аъзоларининг =изи=арли диалоги воситасида жуда яхши очиб беради. Ащмаднинг оёги, =ули, корни ва бош=а аъзолари ишдан чи=ади. Исси\и 51 даражага кытарилиб кетади. Касални текширган доктор касалга совун билан сувни касаллик вара=асига ёзиб беради. «Дори»лардан унумли фойдаланган Ащмад тезда со\айибщаётга =айтади. Эндиликда кир-чир юрмасликка онт ичади.

Буюк шоиримиз /./улом Ватан уруши йилларида щам ёзишдан тыхтаб =олмади. Уруш йилларида шеърларининг жуда кып дурдоналарини яратган /./улом ызбек болаларига ажойиб асарлар та=дим этди. Унинг болалар учун яратган асарларида ватанпарварлик ва байналминаллик \оялари, =ащрамонлик ва жасурлик, \алабага ишонч оханглари янграйди. Шоир «Нав=ирон наслимиз синов олдида « (1951) шеърида ёшларнинг келажагини ифодалаб, уларни эрк ва бахт берган ватанга мувоиф= былишга ча=иради.

Шоирнинг бу даврда ёзган ноёб ва гызал асарларидан бири «Сен етим эмассан» шеъридир. Унда ватан уруши йилларида етим =олган болаларга одамларнинг ватанпарварлик хис туй\улари юксак мащорат билан тараннум этилади.

Сен етим эмассан
Тинчлан жигарим
+уёшдай мещрибон
Ватанинг онанг
Заминдай вазмину
Мещнаткаш мушфи=
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Хал= бор - отанг бор
Чучима жигарим
Ыз уйингдасан.

Бу парчада ватаннинг муаззамлигини, унинг мещри дарё кишилари =уйма образларида, лунда тасвирли ифодаланганликлар бир мисрада кыриниб турибди. Шоир болаларга етимлик нималигини тушунтирар экан, уни ызининг аччи= етимликщаётини эслаш ор=али асарнинг таъсир кучани оширишга эришган. /./уломнинг бу шеъри ватанга соди=ли=, садо=ат ватанпарварликщамда бос=инчиларга нафрат туйгуларини тарбиялашда катта ащамиятга эга былган баркамол асардир.

Урушдан кейинги тинч =урилиш даврида /./улом болалар учун «Шеърлар» (1956), «Тонготар =ыши\и» (1959), «Бари сеники» (1953), «Менинг у\ригина болам» (1965) асарларини яратди. /./улом бу давр ижодида болаларнинг ызига хос орзу умидлари, юксак маънавий олами, одоб ахло=и, ы=иш ва интилишларининг асосий мавзуга айланди.

Хулоса =илиб айтганда, академик шоир /./улом ызбек болалар адабиётини юксалтиришга баракалищисса =ышди.

/./улом =илган хизматлари учун Ызбкистон фанлар Академиясинингща=ий=ий аъзоси былди, Давлат мукофати Лауреати былиб бир =анча орденлар билан та=дирланди.

1963 йил май ойида шоирнинг 60 ёшга тылиши муносабати билан унга «Ызбекистон хал= шоири» деган фахрий унвон берилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Болалар адабиёти». А.Суюмов, М.Жумабоев. Т. - 95. «Ы=итувчи» нашриёти.
2 «УТА» журнали. 1997 йил. 1-сон. (55-56 - бетлар).
3. «Ызбек адабиёти ва санъати» газетаси. 1998 йил. 19 июль, 3 - бет.
5. Ойбек «Болалик хотираларим». Тошкент. /афур /улом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти. +айта нашри. 1995-йил.
5. «Ызбек адабиёти ва санъати» газетаси. 1997 йил. 23 - февраль, 2 - бет.
6. А.Суюмов, М.Жумабоев. «Болалар адабиёти». Тошкент. 1995 йил. 56-57-58-51-52-55- 60-61-бетлар.
7 Ызбек тили ва адабиёти журнали. 1998 йил. 6- сон. Охунжон Сафаров. 61-62 - бетлар.
8. Ызбек адабиёти ва санъати газетаси. 1996 йил. 3- бет.
9. Ызбек тили ва адабиёти журнали. 1998 йил. 11 - сон. М.Омонова. 58-59 - бетлар.
10. П.Шамсиев «/./улом». Асрлар. беш томлик. 1 том.

## 4-мавзу
## 50-ЙИЛЛАР БОЛАЛАР АДАБИЕТИ.

РЕЖА :

1. Ватан уруши даври болалар адабиети.

2 Болалар адабиетида шеърий хат жанри.

3. Урушдан кейинги йиллар болалар адабиети.

5. Ватан ва мещнат мавзуи.

Таянч тушунча: Улуғ ватан уруши, ватанпарварлик, шеърий хат.

Бу давр болалар адабиетининг мавзуида, \оявий мундарижасида жиддий узгаришлар руй берди. Чунончи, езувчилар ижодида Ватан мудофаси билан бевосита бо\ли= жанговор мавзулар асосий уринни эгаллади. Ватанпарварлик, =ащрамонлик, еш авлоднинг она-Ватан мудофаасига кумаклашувчи, айни ва=тда уларнинг «аъло» ва «яхши» бащоларга у=иши асосий масалалардан бирига айланди. Буларни барини узида мужассамлаган жанговор шеърлар бирин кетин юзага кела бошлади.

Бу йилларда узбек адабиетида яратилган /. /уломнинг «Сен етим эмассан», «Со\иниш», «Кузатиш», «Биз енгамиз», Х.Олимжоннинг «Она ва у\ил», «Йигитларни фронтга жунатиш», «+улингга =урол ол», «Жангчи Турсун», «Самолет», Уйгуннинг «Ватан ща=ида =уши=«, «+асос», «+изало=нинг улими», Ойбекнинг «Евга улим», «Йигитларга» каби асарлари узбек болалар адабиети диорасини янада кенгайтирди.

Уруш йилларида, узбек адабиетида, жумладан, болалар адабиетида шеърий хат жанри анча ривожланди.

Бу йилларда яратилган шеърий хатлар, жангчининг уз ерига, ота-онасига, жигарбандларига еки хотин =изларнинг фронтдаги ерига йуллаган мактублари шаклида былиб, уларда уруш даврининг энг мущим томонлари акс эттирилди. С.Жура болалар адабиетида шеърий хат жанрининг юксалишига баракали хисса =ушди. Унинг «Со\иниш», «Со\инчли салом» шеърлари ана шу шаклда езилган асарларданщисобланади.

1951-55 йилларда К.Мухаммадийнинг «+изил Норпой» газетасида бир =анча асарлари босилиб чи=ди. «+изил аскар», «Ватан учун жанг =иламан», «Фашистларга =ир\ин келсин», «/азаб» кабилар шулар жумласидандир.

Бу даврда А.Рахмат «Онамнинг айтганлари», «Мени кут», «Со\иниш соатларида» /у\лим Щаетжонга/ каби шеърларини езди.

Бу йилларда =исса,щикоя ва шеърларида Ватан уруши =атнашчилари, мещнат =ащрамонлари образлари яратилди. +ис=аси, бу йил болалар адабиетида турли жанрда яратилган асарлар майдонга келди.

Ватан уруши йиллари болалар адабиети ёш авлодни мещнатда фидокорлие, Ватан учун курашларда =ащрамонлик кырсатишга ундади, уларни байналмилал рущда тарбиялашга хазмат =илади.

Ватан урушидан кейинги йиллар болалар адабиети узининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Бир томондан моддий ва маънавий щаетда ўзгаришлар руй берса, иккинчи томондан адабиет ва санъатда сталинчилик сиесати о=ибатида «конфликтсизлик» иллатлари намоен була бошлади.

Адабиет ва санъатдащукм сурган «конфликтсизлик» назарияси болалар адабиети ривожигащам салбий таъсир курсатди. Натижада болалар учун яратилган асарлардащамщает бир томонлама акс эттирила бошлади.

Лекин щаётнинг ўзи мамлакатимизда авж олган сталинчилик сиесатини, шахсга си\инишнинг о\ир о=ибатларини фош этди. Бущолнинг мафкурамизда, хусусан, адабиет ва санъатда =олдирган салбий асоратларини, жумладан, «конфликтсизлик назарияси»нищам очиб ташлади.

Бу даврда /./улом, Ойбек, К.Мухаммадий, Ш.Саъдулла, А.Рахмат, И.Муслим, Х.Назир, П.Муминларнинг \оявий-бадиий жищатдан юксак асарлари майдонга кела бошлади.

Ватан ва мещнат мавзуи болалар адабиетинингщам етакчи ва маънавий мавзуларидан биридир. Шоирларимиз бу мавзуни еритишда болалар ва усмирларни =изи=тирадиган образ ва турли ифода воситаларидан фойдаланиб, уларнинг тил бойликларини оширишга, тушунчаларини яна да кенгайтиришгащаракат =илишди. Шу маънода П.Муминнинг «Юртимизнинг юраги», К.Щикматнинг «Менинг Ватаним», «Бахтли болалик», А.Рахматнинг «Улкамизнинг тонги отмо=да», Шухратнинг «Мен бобомга соди=ман»,

Уйгуннинг «Икки она», Хабиб Рахматнинг «Бахтли бола =уши\и», Миразиз Аъзамнинг «Келажак бизники» каби бир =анча шеърлари болалар адабиетида сезиларли из =олдирди.

Кишиларнинг яратувчилик мещнатини, болалар ва усмирларнинг катталар мещнатига эъти=оди ва ердамини улу\ловчи «Беш =изнинг сов\аси», «Этик», «Темирлар уйини» ,К.Мухам., «Гулдаста», «Эщ, роса ширин экан», «Бизнинг Зайнаб холамиз»(П.Мум), «Дастер =из», «Бо\бон =из»(Ш.Саъд), «Сенинг сов\анг», «Ез»(И.Мус) , «Айи=чам», «Пилла =урт тутамиз»(А.Рах.) каби бир =атор шеърлар яратилди.

Бу шеърларда, асосан, мещнат ва мещнат ахли мадх этилди. Уларда инсон =адр-=имматининг улу\лигини, мещнаткаш хал= тарихини яратувчи куч эканлигини кырсатиш алощида уринда туради.

Мещнат мавзуида езилган шеърларда мещнат унумдорлигини ошириш учун энг аввал илм-фанни пухта эгаллаш кераклиги алощида ўрин тутади..

К.Мухаммадий «Урушга йыл бермаймиз» шеърида бутун илгор инсониятнинг асосий ма=сади тинчлик эканлигини тушунтиргач, уларни тинчлик учун курашга ча=иради:

Дейсан танда жоним бор,
Тинчлик учун курашай,
Урушгащеч йыл бермай,
Ватан, хал=им яшагай.

Шоир тинчлик тарафдорларининг енгилмас куч-=удратини, тинчлик урушни енгиши мукаррар эканлигини шундай ифодалайди:

Тинчлик булсинщамма ва=т,
Бунинг учунщамма ва=т,
Урушга йыл бермаймиз,
Тинчлик енгарщамма ва=т.

Тинчликнинг асосий гарови былган дыстлик мавзуи болалар адабиетида тобора кенгайиб бормо=да. Щозирги болалар шеъриятида ешларни дыстлик щам да урто=лик рущида тарбиялашга ба\ишланган \оявий-бидиий асарлар куплаб яратилаетир. Мамлакатимиз хал=ларининг =ардошларча дыстлигинищаетий образлар ваща=коний акс эттирувчи асарларнинг тобора купайиб бориши болалар шеъриятининг тарбиявий таъсири янада кучайиб бораетганини тасди=лайди.

Мамлакатимизда бу даврда мактаб ва маориф ишларни янада яхшилаш, уларнищар тарафлама ривожлантириш, еш авлодга илм-фан асосларини чу=урро= бериш, уларни тинимсиз юксалиб бораетганщаетимиз талабларига тыла жавоб берадиган кишилар =илиб етиштиришда бир =анча мущим тадбирларни амалга оширди. Натижада, мактаб ва маориф ишлари яхшиланди, таълимни унумли мещнат билан бо\лаб олиб бориш кучайди, ешлар илм-фан асосларини чу=урро= эгаллай борди. У=увчиларда илм-фан ва мещнатга мухаббат янада ошди.

Баъзи болалардаги дангасалик ва ял=овлик, унинг зарарли о=ибатларини кырсатувчи бир =аторщажвий асарлар яратилди. Бу мавзуда яратилган Ш.Саъдулланинг «Ивирсик» шеърида кийим-кечаклари ва у=ув =уролларини дуч келган жойга ташлаб кетадиган, бесаранжом ва уй вазифаларини __ бажарадиган ва бунинг натижасида узлаштириши пасайиб кетган ивир бола __ образи яратилиб, ундан аччи= кулинади.

Урушдан кейинги тинч =урилиш йилларида узбек болалар адабиетида =атор достонлар, шеърий эртаклар ва балладаларнинг «Дунеда энг кучли нима», «Буви, санди= =иссаси», Ш.Саъдулланинг, П.Муминнинг «Кунгил истар яхшилик», «Бахт топган йигит» ва бош=а бир =атор адибларнинг достон ва эртак-достонлари шулар жумласидандир.

П.Муминнинг «Кунгил истар яхшилик» достони щаётийлиги, мавзунинг долзарблиги, \оявий - бадиий пишиқлиги, во=еаларнинг =изи=арли баен этилиши жищатдан узбек болалар адабиети достончилигининг кейинги йилларда =улга киритган юту=ларидан бири былиб =олди. Шоир оддий бирщодиса - 6 «Б» синф у=увчиси Уктам билан Толиб

уртасидаги кичик бир жанжалдан катта, таълим-тарбия ту\рисидаги масаланщакконий еритиб беради.

Асарнинг асосий =ащрамонларидан бири былган Уктам бошда жуда шух, ота-онасининг гапига унча =уло= солмайдиган бола. Вара= учуриб юриб, томдан =улаб тушиб, асаб касаллигига мубтало былади.

Достонда у=увчи ди==атини ызига жалб =иладиган образлардан бири +одирдир. +одир ызининг мумин-=обиллиги, камтарлиги биланщурмат-иззатга сазовор бола.

Болалар адабиети, унинг мущим сощаси былган драматургия адабиетимизнинг ажралмас бир =исми сифатида умумий ривожланиш йылидан бораетир. Жамиятнинг тара==иети суръатини, унинг юксак маънавий эстетик эщтиежларини =ондириш учунщали бу сощада куп ишлар =илиниши керак.

## УЙГУН ВА БОЛАЛАР АДАБИЕТИ

Уйгун «Рахматулла Отакузиев» 1905-йил май ойидащозирги +озо\истон Республикасининг Марказий =ишло\ида дунега келди.

1915 йилда ту==из ешли Уйгун эски мактабга у=ишга боради. Бошлан\ич маълумотни эгаллаган Уйгун ыз билимини ошириш ма=садида 1923 йили Тошкентга келади ва Тошкент вилоятидаги таълим тарбия техникумига киради. Техникумдаги ы=увчилик давридащамма фанлардан улгиришга интилиб, уларни =унт билан эгаллашга киришган. Уйгун, адабиетга алощида мухаббат билан =арайди ва унинг =албида шоир былиш орзуси уй\онади. Адабий асарларни, айни=са шеърларни марок билан ы=иб, улардан таъсирланган бир узищам ижод =илишга интилади. Булажак шоирнинг тун\ич асарлари техникум деворий газеталарида босилиб туради. Унинг кичкинтойларга ба\ишлаб яратган «+орбобо», «Хадя», «Бащор ва мен», «Менинг икки онам бор» ва бош=а шеърий тупламлари болалар адабиетига мущим хисса былиб =ышилди. Шоир болаларга атаб езган барча катта-кичик шеърларида ы=имишли, Она-Ватан вамехнатни жон-дилидан севган чин дыст, ростгый, соф дил болаларнинг хис-туй\уларини ифодалайди, ешларни ватанимизнинг гызал табиатини, бойликлари ва кишиларимизнинг ажойиб фазилатлари билан таништиради.

Уйгун болаларга ба\ишлаб езган барча шеърларида мавзуни ызига хос жищатдан акс эттиришгащаракат =илади. Шоирларимиз томонидан куйланган Она-Ватан мавзуини ызига хос тарзда ифода этади. Шу жищатдан унинг «Икки она» шеъри характерлидир. Шеър =ащрамонининг икки онаси бор: бири унга о= сут берган, иккинчиси эса ыз ба\рида авайлаб парвариш =илган. Иккала онасищам азиз, му=аддас ва муътабар. Лирик =ащрамон она шу бир-биридан муътабар икки онаси билан гурурланади. Ызини бо==ан, тарбиялаган бу икки она олдида бир умр =арздор. Зарур былса, улар учун =урбон былишгащам тайер.

Уйгун болалар адабиетида ватанпарварлик \оялари ты\рисида кыплаб шеърлар езган шоир сифатида эъзозланади. Масалан: «Менинг икки онам бор», «Чегарачи», «Садокат» каби асарлари мисол была олади. Бу шеърларда чегара со=чиларини ыз постида сергак тыриб, уни =ыри=лаетганини ва жангчиларнинг Ватан олдидаги =ащрамонликларини тасвирлаш ор=али болаларнищарбий ватанпарварлик хислари рущида тарбиялайди.

Эъти=оди ва садо=ати шоирнинг «+асос» (1955) достонида янада чу=ур ифодаланган. Асарда му=аддас Ватан, душманга нисбатан нафрат, \алабага комил ишонч \ояси ифодаланади.

Шоирнинг «+изало=нинг ылими», «Ы\ирланган хусн», «Инсон» каби =атор шеърлари мудщиш уруш дахшатларини ва гудаклар та=дирища=ида езилган.

Ватан уруши йилларида =анчадан-=анча =ичло=лар ва шащарлар фашистлар томонидан вайрон =илинди, кишиларимиз жанг майдонларида =ащрамонларча хало= былди: неча-неча бегунощ гудаклар ота-онасидан тирик етим =олди, =анчалари фашист газандалари =ылида холо= былди. Ана шундай фожеали манзараларни Уйгун таъсирчан тасвирлаган. «+изало=нинг ылими»да ана шундай мудщиш ва фожеали кыринишлардан бири шундай тасвирланади:

+аранг, бу манзара на=адар мудщиш,

Тилка-тилка былинган юрак бурдаси:
Жонсиз онасининг =онли =ылида,
Етар ча=ало=нинг кичик мурдаси.
Пахтадай юзлари ... жажжи =ыллари...
Шу азиз боланинг не гунощи бор
Огзи, усти =он, =ыли =он бури,
Бурдалаб гудакни айламишдир хор.

Ватан уруши йилларида ы=увчи-Валя Котик, Зина Портнова кабиларнинг =ащрамонликраи-ю, жасурликларини ким билмайди дейсиз. Буларщар =андай вазиятдащам евуз душманга =арши шав=атсиз курашдилар, ыз ота-оналари, ака ва дыстлари учун =асос олдилар, кыплари эса ана шу кырашда =ащрамонларча хало= былдилар. Ешларнинг кырсатган =ащрамонликларища=ида езувчиларимиз кыплаб бадиий асарлар яратдилар. Уйгунщам ана шундай =ащрамонларнинг эркин сиймосини ызининг «+асос» достонида Коля тимсоли ор=али яратиб берди. Асар турт =исмдан иборат,щамма =исмларда бир \оя ватанпарварлик ва =ащрамонлик \ояси илгари сурилган.

Уйгун табиат ва фасллар куйчиси сифатидащам эъзозланади. Сер=уеш Ызбекистоннинг бир-биридан ажойиб фаслларининг ызига хос фазилатлари, хосияти, жозибаси шоирнинг «Бащор», «Бащорща=ида», «Куз келди», «+ор», «Ез», «+орбобо» каби =атор асарларида зурщаяжон билан куйланади. Уйгун фаслларининг ызига хос такрарланмас сирларини болаларга турли усуллар билан уларнинг еш савиясига мосщолда содда ва жозибали мисраларда ифодалаб беради. Уларнищаетдаги турли туман муаммолар билан таништиради, фасллар шоирнинг ниятини амалга оширишда бир воситащисобланади. Шоир фасллар ва уларга хос булган уйинлар ор=али ыз =ащрамонлари - болаларнинг рущиятини очиш ва уларнинг характерини кырсатишда унумли

Йилимизнинг салма=дор иши,
Турт фаслга текис булинар.
+иш тайерлар, бащор экади,
Куз йи\ади, ез тарбиялар.

Шоирщар фаслнингщислати ва фазилати инсон мещнати билан гызал эканлигини «Бащор» шеърида яхшигина тасвирлаб беради:
Бо\бон чи=ар бо\ига
Чупон чи=ар то\ига
Бол арилар гувиллаб
+унар гул япро\ига...
Сувлар шилдираб о=ар,
+уши\и дилга екар.
Бизга шодлик келтирдинг
Салом сенга, гул бащор.

Болалар учун турли туман =ушларнинг ушиб келишищам, дала =ирларнинг гул ва майсага бурканишищам, ранг-баранг жониворларнинг пайдо былишищам номаълумдек бирщодиса сифатида кыринади. Шунинг учунщам болалар учун номаълумдек туюлган нарсаларни шеърларида тасвирлаб тушунтиришгащаракат =илади.

Уйгун =иш фасли ща=ида щам анчагина пишик асарлар езган. Болаларщамма фаслларни, жумладан =ишни жуда севадилар. Чунки бу даврда болалар уйнайдиган уйинлар турлари купаяди. Уйгуннинг «#иш», «+орбобо», «Арча», «Холик =ур=о=«, «Янги йил =уши\и» каби шеърларида =иш фасли ызининг бутун гызаллиги билан намоен былади.

Уйгун адабиетимизда табиат манзараси тасвирининг мощир устаси сифатида танилган. Бу унинг болалар учун езган шеърларидащам я==ол кыринади.

Уйгун мактабгача тарбия ешидаги болаларга ба\ишлаб бир =анча асарлар езган: шулардан бири «Лайлак» шеъридир. Шоир:
Лайлак келди ез былди,

+аноти =а\оз былди.

деб уни ез элчиси эканини болаларга соддагина =илиб тушунтиради ва лайлак келиши билан болалардаги табассум, шодлик хисларини таъсирли ифодалайди.

Мактабгача тарбия ешидаги болалар купгина нарса ващодисаларни тушунавермайдилар, лекин уларни билишга, тушунишга =изи=адилар. Уйгуннинг «Лайлак», «Гулдор капалак», «Бойчечак», «+ушлар келди» каби шеърлари шу жищатдан характерлидир.

Шоир узининг купгина шеърларидащар фаслнинг узига хос гаштини шоирона тараннум этади. Езнинг тукин сочинлигини «Ез» куркам чамандай оромгощларда =увнаб дам олаетган бахтиер ешлар ни «Сув =учо\ида» шеърларида =аламга олиб, уларнинг севинчли кайфиятлари ор=али езнинг на=адар наъшали эканлигини езади.

Хуллас, Уйгуннинг болаларга атаб езган асарлари улар характери, орзу-умидлари, =изи=ишларини узида мужассам этиш билан характерлидир. Бу асарлар бугунги кундащам болалар маънавиятининг, эстетик дилларининг шаклланиши да катта ащамиятга эга. Уйгун истеъдодли шоир сифатида болалар адабиети тара==иетига катта хисса =ушди.

5-мавзу

## Куддус Мущаммадий ва болалар адабиёти

## Режа:

1. Куддус Мущаммадийнинг шеърият майдонга кириб келиши

2 Шоирнинг болалар адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари.

3. К.Мущаммадийнинг шеърий тыпламлари ща=ида.

5. К.Мущаммадий болаларнинг энг севимли ёзувчиларидан бири.

Таянч тушунчалар. Чувалачи, «Тонг ўйини” , “Сандал ва печка”.

Болалар адабиётини ривожлантиришда катта хизматлари сингган шоирлардан бири, Ызбекистон хал= шоири, Щамза мукофатининг лауреати К.Мущаммадийдир. Ызининг сермазмун, уйно=и, давр нафаси билан йу\рилган бадиий баркамол асарлари билан болалар =албига кириб борди, уларнинг севимли шоирига айланди.

К.Мущаммадий 1907 йилда Тошкент шащрининг Чувалчи мащалласида дещкон оиласида ту\илди. 1925 йилда унинг отаси вафот этди. Сынгра у болалар уйига жойлашди. 1927 йилда мактабга ы=ишга кирди ва мактаб =ошидаги интернатда тарбияланди. Ёш К.Мущаммадий 1930 йилда мактабни тамомлаб, Ырта Осиё Давлат дорилфунунига ы=ишга киради. Ы=иш билан бирга Тошкентдаги Улу\бек номли мактабда ы=итувчи былиб ишлайди.

У 1928 йилдан бошлаб шеърлар ёза бошлайди. Унинг дастлабки шеърларидан «Тонг уйини», «Паранжи», «Шар=ща=и=ати» рузномасида, «Селекция станцияси» номли шеъри эса «Ер юзи» ойномасида босилди. 1933 йилда шоирнинг «Ащмаджон билан асарлари» номли шеъри «Маданий инкилоб» рузномасида босилиб чи=ди. Бу шеърда мещнатсеварлик улу\ланади.

1936 - 1937 йилларда К.Мущаммадийнинг «Сандал билан печка», «Ыз-ызини танкид» асарлари майдонга келди. «Сандал билан печка» шеърида шоир турмушимизга янгиликларнинг тобора кыпро=кириб келишини, эскилик янгиликка ыз ырнини =ийинчилик билан, кураш билан бушатиб берганлигини болаларбоп килиб таърифлайди.

Мактабда ы=иш ва ы=итиш ишларини тубдан яхшилайди, интизомни мустащкамлашда ыз-ызини танкид катта тарбиявий кучга эгадир. Шунинг учун К.Мущаммадий «Ыз-ызини танкид» шеърида болаларщаётидаги характерли во=еаларни танлаб олиб, уларни айрим ы=увчи ёшлар мисолида ёритади. Шоир тишини тозаламаган

Ащмаддан, юз =улини ювмаган Холдан, тирно\ини олмай юрган Юнусдан ва ы=ув =уролларига, мактаб жищозларига ёмон муносабатда былган болалардан =атти= кулади.

К.Мущаммадий бунда жонлантириш воситаларидан усталик билан фойдаланиб, китоб, дафтар, =алам, портфель, эшик, парталарни ызаро сызлатади. Уларнинг арзщоли кулгищисси билан сугорилтилган. Буни шоир жонли,щаётий куринишларда \оят таъсирли =илиб ифодалаган:

Бирдан парта тагидан,
Арз этар йирти= китоб.
- Хол жоноарак кулида
Эзилиб былдим бетоб.

Асарнинг иккинчи =исмида шоир болаларни жамоат мулкини кыз =орачи\идай са=лашга даъват этади.

К.Мущаммадий 1955 йилда Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига =абул =илинди. 1956 йилда унинг «Ы=увчига эсдалик» номи билан биринчи китоби чи=ди.

Шоир бу шеърида ы=увчилар бажариши керак былган йигирма =оидани бадиий равишда ифодалаш билан бирга, ы=увчининг маънавий =иёфаси ва вазифасига атрофлича тыхталади, болаларнинг мактабга, ы=ишгащавасини оширади.

Булай десанг бо\бон,
Е Ватанга посбон,
Е осмонга ы=увчи,
Е денгизга сузувчи,
Нимаки =илсанг тилак
Барига ы=иш керак.

Дарс пайтларида ы=итувчининг щар бир сызини ди==ат билан тинглаб, берилган вазифани ыз ва=тида пухта бажариш таълим - тарбия ишларининг сифатини яхшилаб ю=ори ызлаштиришнинг гарови. Шоир «Со\лом танда со\ акл» ма=олини болага эслатади, озодалик, санитария - гигиена =оидаларига риоя =илишщам ы=увчининг яхши фазилатлариданлигини тушунтиради.

К.Мущаммадий болаларнинг маънавий =иёфаси, фазилати ва хислатларини «Ы=ишга мещр, зещн, кунгил =уйиб ы=ийдиган», «пок юзли», «ё=имтой», «щар сызидан бол томадиган», «курганлар яша» дейдиган хусусиятлари асосида ёшларнинг умумлашма лирик образини яратади.

1957 йилда К.Мущаммадийнинг 50 йиллигига ба\ишлаб, «Шеър ва эртаклар» тыплами нашр эттирилади. Тыпламдаги «Щунар мактаби ы=увчиларнинг эсдалиги» шеърида шоир болаларни пухта билим олишга ча=иради. У болаларни Она - Ватанга, эл-юртга садо=атли былиб камол топишга чорлайди.

К.Мущаммадийнинг 1957 йилда «Синов» номли тыплами босилиб чи=ди. Тыпламдаги «Аълочи Соди=« шеърида одобли Соди= тантиқ - ўйинқароқ, ы=ишга кечикиб келувчи, дарога =уло= солмайдиган Холмат образига =арама- =арши =уйилади. Муаллиф болаларни =унт ва чидам билан ы=ишга ча=иради.

Шоир «Синов» шеърида илм - фаннинг =адрини чу=ур тушунувчи, боласининг тарбиясини ва келажагини уйловчи мураббий ота-оналар образини яратади. Ота ыз фарзандига имтихондан ы=ишнинг мощиятини тушунтиради. «Синов» тыпламидаги «Яша ОмонЁ», «Дадавой имтихондан ытди», «Менинг орзуим» каби шеърларищам болаларни илм- фанга, мещнатга, аъло ы=ишга ча=ириш рыщи билан сыгорилган.

Болаларнинг талантли ёзувчиси К.Мущаммадийнинг 1958 йилда «Орзу» номли тыплами босилиб чи=ди. Шоирнинг 1951 йилда босилиб чи==ан «+ир= у\ил, =ир= =из» китоби нашр этилди.

Шоир тыпламидаги кыпгина шеърларида ы=иш, таълим - тарбия жараёнинг турли бос=ичларини тылиб - тошиб =уйлайди. Чунончи, у «Сентябрь тонги», «Биринчи сентябрь» каби шеърларида мактабдаги ы=ув йилининг бошланишидаги болаларнинг катта =увонч ва шодликларини ифодаласа, «Кимнинг хати =ухлик»да дарс пайтини =аламга олади. «Ота болалар», «Имтихон» асарларида былса имтихонга тайёргорлик ва ундан яхши ытибщаммасинингщурмат ва ол=ишига сазовор былган бола образини яратади.

Бащор шоирнинг энг севимли мавзуларидан биридир. Шоир табият гыззаллигидан, болаларнинг майсазорларда, поёни йы= кир адирлада зав= шав= олишидан илхомланади ва ы=увчини мафтун этадиган мисралари битади.

«Бащор келди» шеърида сулим бащорнинг гыззаллиги ва унингщаётбахш фасл эканлигини уйно=и мисрларда =уйланади. Демак, шоир бу шеъри билан болаларда бащорща=ида эстетик хис - туй\ущам уй\отади. Бундай асарлар болаларни гыззалликни хис этишга, унда эстетик зав= - шав= уй\отишга хизмат =илади.

«Дунёга энг кучли нима» шеърида шоир болаларни дунёдаги энг кучли нарсалар билан таништиради. Шоирщар бир кучли хайвон ёки табиатщодисасини ани= кыринишларда ойдинлаштиради. Чунончи, энг кучли фил шундай жонли хусусиятлари билан эсда =олади. Шу усулда болаларга жуда кыпщодисалар ты\рисидащикоя =илади.

Бу ыринда шоирнинг \оявий ма=сади ани= инсонни улу\лашЁ Биро= шунищам таъ=идлаш зарурки, инсонщаммадан кучли ва кур-курона табиатни ызимизга буйсунтирамиз, деб =илган хатти -щаракатларимизнинг фожеали о=ибатлари намоён былаётгани бугунги кунда бу типдаги асарларга маълум даражада танкидий ёндашиш ва бу шеърлар давр мащсули эканлиги, ижодкорнинг асосий ма=сади инсонни бош=а табиатщодисаларига =арама - =арши =уйиш эмас, балки улу\лаш эканлигини назарда тутиш керак былади.

К.Мущаммадийнинг 1960 йилда «+андай былмо\им керак», 1961 йилда эса, «Жуда =изи=, жуда чиройли» тыпламлари нашр этилади.

Шоир «Она-бола мещри» тыпламига кирган шеърларида ота-оналарининг болаларга, болаларнинг ота-онага ва мещнатга, Ватанга, илм - фанга, =увно=щаётга былган мещр мущаббати ифодаланган.

Шоир болаларнинг орзу-щавасларини, келажакка былган интилишларини «Мотор =уйлак ясаймиз», «Шащло», «То\ларим шунча баланд» каби шеърларида баён этади.

Куддус Мущаммадийнинг 1965 йилда «Бола бошидан у\лон ёшидан» деган шеър ва эртаклар 1966 йилда «Доно бобонинг мевара чеваралари» тыпламлари босмадан чи=ди.

Куддус Мущаммадий хал= о\заки поэтик ижодидан фойдаланиб, «Бир узбошимча чумчук ща=ида», «Мушук нега пихиллайди?«, «бо\мон чол уч хум эртак айтганмиш», «Кунгизой билан сич=онбой», «Доно бобо ва бир юз уч пащлован у\ил - =изларища=ида эртак», «Олтин дарахт» каби кыпгина эртаклар яратиб, ызбек болалар адабиётида бу жанрни юксалтиришга муносибщисса =ушди.

«Кунгизой билан сич=онбой» эртагида шоир эски урф - одатларни =оралаб, янгилик ва мещнатсеварликни шарафлайди. Бу \ояни шоир кунгизлар, сич=онлар, капалаклар, асаларилар, чи\ирткалар, =аламушларщамда тошба=аларнинг ызаро муносабатларини ифодалаш ор=али кырсатади. Эртакнинг композицион тузулиши, во=еаларнинг ихчам ощангдор мисраларда берилиши ва кунгули ибораларнинг ыринли ишлатилиши болаларга жуда мос былиб, асарни \оятда =изи=арли ва ы=имишли былишида етакчи омил былган. К.Мущаммадий бу эртагида мещнатсевар, чевар, ыз эрки учун астойдил курашиб, ма=садига эришган аёлларни Кунгизой тимсолида,щалол мещнат туфайлищаммага еккан хащматкаш кишиларни асарлари образида, хийлагар, золим, майхур ва текинхурларни сич=он =иёфасида гавдалантиради.

К.Мущаммадий бу эртагида бизда мещнат шараф-шон, шыхрат ва =ащрамонлик иши эканлигини болаларнинг дид ва савиясига, ёшига мос =илиб ифодалаб бера олган. Бу \ояни Асарларининг Кунгизойга былган мущаббатида ифодалайди. Кунгизой гызал ырмонга =очиб боргач ызининг халол мещнати билан донг чи=аради.

Асарлари унга ботиниб сызлай олмайди, ёнидан кетолмайди. У Кунғизойга ё=иш учун тер тукиб мещнат =илади, аммо Кунгизойщам мещнатда ундан =олишмайди.

Асарда бир-бирини синаб севишган Асарлари билан Кунгизойнинг янгича туйлари Сич=онбойнинг колок, зокича туйига солиштириш ор=али акс эттирилади. Кунгизой ва Асарларининг туйига гызал урмонда саъва, булбул, тургай, читтаку ва шунга ухшаган сайроки кушлар келиб, бир оркестр былиб куйлашади, тонг отгунча базм =изийди. К.Мущаммадий ыз эртагини «Ким бировга =ариз чох, унга ызи былар жо» деган на=ол билан тугатади.

К.Мущаммадий 1970 йилда болалар учун ёзган «+анотли дустлар» шеърлар тыплами учун Щамза мукофатига сазовар былди.

Щозирги замон болалар адабиётининг пеш=адам вакили К.Мущаммадий ызининг ранг - боранг мавзуларда ёзган чу=ур мазмунли юксак бадиий асарлари билан хал=имиз ыртасида каттащурматга сазовор былмо=да.

Фойдаланган адабиётлар:

1. А.Суюмов, М.Жумабоев «Болалар адабиёти». 159-160 - бетлар.

2 «Тонг юлдузи» газетаси. 1993 йил 15 сон. «Севимли шоиримиз - Куддус Мущаммадий».

6-мавзу

# Хозирги замон болалар адабиёти

## Режа:

2. Худоберди Тўхтабоев ҳақида
3. Анвар Обиджон ҳақида

## Фойдаланадиган адбиётлар

1 Х.Тўхтабоев "Сариқ девни миниб" –Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт нашриёти -1987

2 З.Иброҳимова . Кувноқликка яширинган изтироблар.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон кутубхонаси нашриёти Т-2005

3 А.Обиджон. "Олтиариқ ҳангомалари" "Манъавият".Т-1999.

Таянч тушунча : Сариқ дев, Сеҳрли қалпоқча , олтиариқ ,

Ҳар бир ёзувчининг ўзига хос ҳаёт йўли бор. Табиийки, у туғилиб ўсган муҳит ҳам, уни ўраб олган табиат олами ҳам унинг болалик чоғлариию илмга интилишлари ҳам ва ниҳоят адабиётга кириб келиш йўллари ҳам ўзига хос бўлади.

Ёш китобхонлар муҳаббатини қозанган Худойберди Тўхтабоевнинг ёзувчилик сафига кириб келиш сирлари билан қизиқсангиз англайсизки, у адабиёт майдонига ўнқир-чўнқир йўллар билан баъзан қоқилиб- суқилиб, қанчадан-қанча қийчиликларни енгиб кириб келган.

Маълумотларга қараганда у "Қатрон тоғи этакларига жойлашган Катта Тагоб қишлоғида туғилган". Бу сўлим, сермева қишлоқнинг одамлари қизиқчи, латифа ва эртаклар сўзлашга усталиги билан ажралиб туради.Табиий, Х. Тўхтабоевнинг ёзувчи бўлиши учун қўлига қалам олишида, албатта ўша латифа ва эртакларни, қизиқчиликни яхши кўрадиган қишлоқ одамларининг катта ҳиссаси бор. Ёшлигида такрор-такрор эшитган, илиб олиб ўзи ҳам тенгдошларига, укаларига айтиб берган латифа ва эртаклар унинг характерини шакллантиришда катта роль ўйнаган албатта.

Х. Тўхтабоевнинг ҳаёти билан қизиқадиган бўлсангиз, у чақолоқликдан етим қолгани , ўгай ота ким эканини таниганини, диний китобларни ўқиган бувисининг

қўлида тарбия олганини эслайди. Тахмин қилиш керакки, Х.Тўхтабоевнинг ёзувчилик касбини танлашда
Ёшликдаги бу ҳаёт машаққатларининг, хусусан кампирларни ўз отрофига бирлаштира оладиган илмдон ва тақводор бувининг ҳам қандайдир ўрни бўлганини англайсиз.

Худойберди ўзининг ҳаёти тўғрисида қуйидагиларни алоҳида ҳаёжон билан гапиради:

"Менинг болалик ва ўсмирлик йилларим Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келган, ота-онасиз қолган етим ҳамқишлоқларимнинг ўкинч ва армонларини эшитганман. Ўғлидан "қора хат" келган оналарнинг кўксини юлиб додлаганини кўрганман, акасини интизор кутаётган сингилларнинг эридан барвақт жудо бўлган ёш-ёш жувонларнинг пинхоний кўз ёшларини кўрганман".

Болалик чоғларидаги бу таассуротлар бекорга ўтиб кетган эмас, албатта. Унинг ёзувчи бўлиб, хусусан болалар ёзувчиси бўлиб қўлига қалам олишида бу фактларнинг роли ҳам озмунча бўлган эмас.

Мана Худойбердининг болалик чоғларини давоми

"Ўгай отам- уста Абдуқодир ишчи батальонига кетгач, биз оилада саккиз бола қолдик. Бир хилларимиз болалар уйида, бир хилларимиз бировлар уйига молбоқар бўлиб кетдик, мен ҳам болалар уйида бўлганман, мен ҳам молбоқар бўлганман. Шундай оилалар ҳам бўлган эдики, ҳам онадан, ҳам отадан жудо бўлишганди. Мен булар билан роса болалар уйидан болалар уйига ўтиб "сайр" қилганман, ҳатто тошкентдан Қўқонгача пиёда кетган пайтларимиз бўлган".

Бировларнинг эшигида юриб молбоқарлик қилиш, қисқаси, кичик хизматкор бўлиш, унинг устига саккизта етимчанинг каттаси бўлиб, уларнинг ҳам ғамини ейиш, ёзувчи сўзлари билан айтганда "етимлар армияси сафида бўлиш" болалар уйида юриб турфа болалар характерларини кузатиш булар ҳаммаси бўладиган ёзувчи учун фақат ҳаёт материали эмас, балки ҳаёт мактаби босқичлари ҳам эди.

Улуғ Ватан уруши тугади . Х. Тўхтабоевнинг ўқувчилик, студентлик даврлари тез суъратлар билан ўтди. Бадиий ижодга у ҳали студентлик чоғларидаёқ қизиқди, бошда шеърлар машқини олмоқчи бўлди, кейин прозага ўтиб ҳикрялар ёзди.

Х.Тўхтабоевнинг биринчи ҳикоялар тўплами бундан роса 20 йил олдин, яъни 1961 йил "Шашқалоқ" номи билан эълон қилинди. Ўшандан бери у асосан болалар ўсмирлар ҳаётига тегишли 10 дан ортиқ ҳикоялар тўплами қиссалар романлар эълон қилди.

Х. Тўхтабоев асарлари ичида "Сариқ девни миниб" , "Сариқ девнинг ўлими", романлари ёш китобхонлар муҳаббатини қозонган асарлардан ҳисобланади. Бу асари учун бир неча мукофотлар олишга муваффақ бўлган. Асарнинг II қисми "Сариқ девнинг ўлими" учун эса милиция ходимлари ҳаётига баҳишланган асарлар конкурсининг ғолиби бўлди. Китобхонлар ҳаётига бағишланган асарлар конкурси ғолиби бўлди. Х.Тўхтабоевнинг бу романлари саргузашт роман услубида ёзилган новатор романлардир. Бу романларнинг ўнлаб тилларга, таржима қилиниб, катта тираж билан босилиши ҳам адиб меҳнатига берилган катта баҳодир.

Хўш., Х.Тўхтабоевнинг номини маълум қилган бу асарларнинг сири нимада? Бу саволга жавоб бериш учун асарларга бир назар ташлайлик.

Шундай қараганда "Сариқ девни миниб", "Сариқ девнинг ўлими", баъзи хусусиятлари билан Ғ.Ғуломнинг "Шум бола"сини эслатади.Х. Тўхтабоевнинг қаҳрамонлари ҳам "Шум бола" қаҳрамони сингари зийрак, серфаҳм, чаққон. Бунинг устига у фантазияга ҳам бой- маълум бир ишни битказиш учун дарров йўл излайди, агар йўл тополмай қолса, мушкул ишларни ҳаёлан ҳал қилишдан ҳам тоймайди.

Бироқ, Х. Тўхтабоевнинг қаҳрамони замонавий «шум»лардан. Ғ.Ғуломнинг шум боласи эса замон замирида ҳаракат қилади. "Сариқ дев" қаҳрамонинг ҳаракат майдони кенг, фаолияти ҳам ранг-баранг,характерининг ўзга яраша шаклланиш тарихи бор. Китоб саҳифаларида қаҳрамон даккига сабаб бўлган ўз қилмишларидан

пушаймон бўла бермайди, аммо, китобхон пайқаб оладики, бу дақиқаларнинг асл сабаби қаҳрамоннинг яхши ўқимаганида, умуман ҳали ўзи тайёр бўлмаган ишларга қўл урганида.Қаҳрамон мактабга қайтиб ўқишни давом қилдиришга қарор қилади.

“Сариқ дев.” -- саргузашт асар. Бунинг устига фантастик ҳам. Шунга мувофиқ асардаги воқеаларнинг баъзилари кутилмаган тарзда рўй беради, бир қисм воқеалар асосиздек бўлиб кўринади. Саргузашт фантастик асарларнинг қисмати маълум бир деталь ёки эпизоднинг нақадар конкрет ва реаллиги билан белгиланмайди, балки бир оз реалликдан узоқда бўлатуриб китобхонни ишонтира олиши ва “Тўқима воқеалар” воситасида зарур хулосалар чиқарилиши билан белгиланади. Х.Тўхтабоев асардан кузатилган хулосани чиқара олган . Саргузашт йўли, фантастик баён унинг учун адабий приём усул сифатида хизмат қилади. Масалан, қаҳрамон “Сирли қалпоқча” сиз воқеаларнинг ич-ичига кириб бора олмас, ҳаётимизда учраб турадиган, кўриб кузатиб юрилган, бироқ сир—асрори етарли англанмаган иллатларни етарли даражада фош қила олмаган бўлар эди.

Х,Тўхтабоевнинг фантастикаси замонавийдир. Бу фантастика орқали берилган воқеалар “Сеҳрли қалпоқча” билан унинг қаҳрамони амалга оширмоқчи бўлган ҳамма ишлар—хуллас, замонавий “шум бола”га замонавий вазифа берилган ва асар қаҳрамони бу вазифани уддасидан чиқа олган.

Х. Тўхтабоевнинг саргузашт асари бу хусусиятлари билан муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.Тўғри, асарнинг яна ҳам пишитиш зарур бўлган жойлари ҳам йўқ эмас. Аммо, шуларга қарамасдан, қўйилган мақсаднинг тўғри ифодаланиши, баёнда қизиқарли йўллар топилиши жиҳатидан Худойберди Тўхтабоевнинг бу асари ўсмирлар учун ёзилган яхши асарлар қаторидан ўрин олишга ҳақлидир.

Ёзувчилик санъати шундаки, адиб, ё кўрган-билганини, ё эшитганини ёзади. Бу кўрган билган эшитганларини маълум бир системага солишда доим ўз ҳаёти кўз олдида туради. Шу маънода ёзувчи учун ўз ҳаёти, кўрган-кечирганлари биринчи даражали материал вазифасини адо этади. Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими”дан кейин эълон қилинган романида шундай сатрлар бор:”Белим сал букикроқ, буни ўзим тан оламан, укаларимни кўтара бериб шунақанги бўлиб қолганман, бўйим ҳам тенгқурларимга қараганда сал пастроқ, буни ҳам инкор қилмайман. Мен юқорига қараб ўсаман деганимда укаларим елкамга миниб олиб, пастга қараб босаверишган. Шунинг учун паканароқ бўлиб қолганман. Беш болали дейишларига ҳам, ростини айтсам жаҳлим чиқмайди. Нега десангиз чиндан ҳам роппа-роса бешта укам бор. Бешовини ҳам ўзим катта қилганман, ойижоним тракторчи, уруш бошланганидан буён кечасию кундузи далада”.

Юқоридаги гаплар “Беш болали йигитча” романинг бош қаҳрамони Орифжоннинг сўзлари . Х.Тўтабоевнинг ўзини кўрганларга нисбатан унинг китоблариини ўқиганлар минг мароталаб кўпдир. Бироқ бу кўп сонли китобхонлар ҳеч вақт Орифга берилган бу портерет характеристикаси Худойберди Тўхтабоевнинг ўзига алоқадор эканини билмайди. Ҳа, бу портретда ёзувчининг ўз қиёфасидан нималардир олинган, фақат портрет маъносида эмас, балки бошқа жиҳатлар билан ҳам Орифжон адибнинг прототипи деган хулосага келишга ҳуқуқ беради.

Ҳақиқий ёзувчининг ҳар бир асари изланишлар самарасидир. Х,Тўхтабоев ҳар бир асри билан ўз ижодини нималар билaндир бойитади, қандайдир янгиликларга эришади. Бироқ ижодкор учун, хусусан ўзига талабчан бадий масъулиятни ҳис қиладиган ёзувчи учун изланишларнинг чеки йўқ. Бизнинг назаримизда Х. Тўхтабоев чексиз изланадиган, шу туфайли ҳар бир асари билан адабиётимиз тараққиётида сезиларли ҳисса қша биладиган адибларимиздан. Адибнинг китобхонларни мамнун қиладиган хислатларидан бири ҳам шу.

Анвар Обиджон.

Юртимиз истиқлолга эришган илк кунлардан бошлабоқ ёшларимизни соғлом, баркамол қилиб камол топтириш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Бу масала

давлатимиз сиёсатининг ўзагига айланди, жаҳон андозаси даражасида дастурлар ишлаб чиқилди. Улар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бадиий адабиёт, жумладан, унинг алоҳида таркибий қисми бўлган болалар адабиёти, ушбу ғоят мураккаб вазифани адо этишдаги энг муҳим воситалардан биридир. Бу ишга бадиий сўз қудрати билан ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли ёзувчилар кўп.Улардан бири Ўзбекистон халқ шоири, кўп қиррали адиб, шоир ва драматург Анвар Обиджондир.

Анвар Обиджон 1947 йилда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги сўлим қишлоқларнинг бири --Полосонда туғилган, беғубор болалиги шу жойда ўтган. Қалбида ҳаётга, инсонларга она табиатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари айнан ўша масканда уйғонган, илк шеърий сатрлар ҳам шу қишлоқда яратилган.

Анвар Обиджон 1966 йилда Самар қанд Молия билим юртини тугатди, сўнг ҳарбий хизматга чақирилди.Хизматдан қайтгач, 1969 йилдан бошлаб ўз қишлоғидаги жамоа хўжалигида, пахтачилик бригадаларининг ҳисобчиси бўлиб ишлади.Ўз бахтини матбуотдан қидирган Анвар Обиджон кейинчалик туман газетасига адабий ходим бўлиб ишга ўтади, 1974 йилда Тошкент давлат Университети (ҳозирги Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига сиртан ўқишга киради. Ўқишни битиргач, Фарғона вилоят радиосида, “Муштум” журнали, “Камалак” ва “Чўлпон” нашриётларида узоқ йил фаолият кўрсатди. Ҳозир Ўзбекистон телевидениясида журналистик ва адиблик фаолиятини давом эттирмоқда.

Анвар Обиджоннинг илк шеърий машқларидан бири—“Шкафчам”6- синфда ўқиб юрган кезларида мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар журнали “Ғунча”да чоп этилган. Шундан сўнг ёш шоирнинг болалар учун турли мавзуларда битган кўпгина асарлари республикамиз газета ва журналларида тез-тез кўрина бошлади.

1974 йилда Анвар Обиджоннинг болалар учун ёзган шеърларидан иборат “Она ер” китоби чоп этилди. Орадан олти йил ўтгач, 1980 йилда Анвар Обиджон ўзининг иккинчи шеърий тўплами-“Баҳромнинг ҳикоялари”ни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди . Бу китоб шоирга катта шуҳрат келтирди. Тўпламга киритилган асарлар ўзбек болалар адабиётига кичкинтойлар учун нималарни ёзиш ва нима учун ёзиш кераклигини, энг муҳими ,қандай ёзиш лозимлигини чуқур ҳис эта олган бошқача овоздаги шоир кириб келганлигидан дарак бериб турарди.

1980-2005 йиллар оралиғида шоир баракали ижод этди. Уўз қалам кучини фақат шеъриятда эмас, адабиётнинг наср, театр ва кино драматургияси турларида ҳам синаб кўрди. Кўплаб ҳикоялар, қиссалар саҳна асарлари яратди. Бу йилларда унинг “Эй Ёруғ дунё”(1983), “Оловжон ва унинг дўстлари”, (1983), “Кетмагил”,(1985),”Безгакшамол”(1985),”Масқарабоз бола”(1986) “Аканг қарағай Гулмат “(1987)”Жуда қизиқ воқеа “(1987)”Олтин юракли Автобола”(1988),”Даҳшатли Мешпалвон”(1989), “Ерликлар”(1990), ”Аламазон ва Гулмат ҳангомаси”,(1992) “Ажойибхона”,(1993),”Мешпалвоннинг жанглари”,(1994), «Алишер ила Ҳусайн ёки уч доно ва ўғри”(1996), “Аламазон ва Гулмат “(1998),”Олтиариқ ҳангомалари”(1999), “Булбулнинг чўпчаклари”(2001),”Одобли бўлиш осонми”(2001)”Безгакшамол-2”(2003),”Ўқ ўтмас болакай “(2005) ва бошқа китоблари нашр этилди.Унинг айрим асарлари рус тилига ўгрилиб, “Алазамон и его пехота”(1984), “Грозный Мешпалван”(1991) номларида босилиб чиқди.

Анвар Обиджон асарларининг мавзу ва мазмуни ранг-баранг, бадиий образ яратиш усуллари хилма-хил. Болалар табиатини нозик ҳис этиши жуда аниқ сезилади.У ўз асарларини қандай шаклда, қайси жанрда ёзишидан қатъий назар, болаларнинг”кулгига ўч халқ” эканлигини ҳеч қачон унутмайди.

Анвар Обиджон шеъриятидаги энг кўламли мавзу-Она Табиат ва Болалар. Шоирнинг она табиат ҳақидаги шеърларида ҳаётга, инсонга муҳаббат, унинг боқийлигига ишонч туйғуси кўзга ташланади, ёш китобхон қалбини ҳаяжонга солади.Уларда биз билан ёнма-ён яшаётган ҳар бир жонзот, ҳар бир ўсимлик табиат

инъом этган тирикликдан завқланади,бу дунёда яшашнинг ўзи қувонч эканлиги тараннум этади. Шоир уларда ташхис(жонлантириш) итоқ (одамлардай сўзлатиш) санъатларидан моҳирлик билан фойдаланиб, турли жонзотларни,ҳатто жонсиз нарсаларни ҳам болалардай ҳатти ҳаракатлантиради, сўзлатади. Яратилган образларнинг кўпчилиги гоҳ монолог, гоҳ суҳбат, гоҳ қўшиқ, гоҳ таржимаи ҳол, гоҳ мактублар усулларида қалбларга бор ҳақиқатдай бўлиб қуйилади. Улар бениҳоят соддалиги ва самиймийлиги , беозор кулгига йўғрилганлиги билан ўқувчини ўзига ром этади. Масалан, 41 та шеърдан ташкил топган “Далалардан-болаларга” туркумидаги “Ловия” шеърига эътибор берайлик:

Ҳасад қилар
Менга Мош
Меваларим
Қаламқош
Бир тупимда
Юз уя,
Уя тўла
Ловия.

Ловиялар
Қоракўз.
Силкитмасдан
Аста уз.
Йўқса,
Уйни очишар,
Тирқирашиб
Қочишар.

Аниқ кўриниб турибдики, шеър ниҳоятда ихчам.Мисралар бир ва икки сўздан ташкил топган. Ундаги воқеа қаҳрамоннинг ўз нутқи усулида ифода этилган. Унинг портретига хос штрихлар ҳам бор. Ритми таъсирли. Шоир шеърда ҳақиқатдан чекинмаган ҳолда ҳаёлий романтик образ яратган. Шеър кичкинтойларни бир тупдаги юзлаб уяларда яшайдиган “қаламқош””қоракўз” ўсимликка ўзгача нигоҳ билан қарашга ундайди.Ёки “Буғдой” номли шеърни олсак, унда бу ўсимлик ҳақидаги ҳаммага маълум гаплар билан чекланиб қолинмаган. Шеърда романтик руҳ бор. Бу руҳ Буғдойнинг ўзига хос олами борлигини таъсирли кўрсатишга хизмат қилади. Дарҳақиқат, Буғдой ҳам ҳар бир тирик мавжудод сингари уруғдан унади, ўсади, ҳосилга киради.Ўзига хос ҳаёт йўлини босиб ўтади. Демак унинг ҳам ўзига яраша олами бор. Шоир бу оламни болалар қалбини ҳаяжонга солувчи Буғдойнинг ўз сўзлари (монологи) орқали кўрсатишга эришган.

....Ел куйласа
Ўйнайман
Хирмон сари
Бўйлайман

Ой чиққанда
Қўноққа,
Ўхшар
Кумуш ўроққа.

Шеърдаги самимият, нафис тасвир ўқувчи кўз ўнгида сирли, сокин туннинг гўзаллигидан завқланаётган, осмондаги ойни “кумуш ўроққа” ўхшашини кашф этган Буғдой сиймоси гавдаланишига сабаб бўлади. Бундай шеърлар болалар қалбида эзгуликни, меҳр уруғларини ундириши шубҳасиздир.

Анвар Обиджоннинг нарсалар ва жонзотлар ҳақидаги шеърларида уларнинг дунёсидаги ҳам инсонларга хос Ватан , виждон, ор-номус каби ижтимоий тушунчалар мавжудлиги кўп ҳолларда атайлаб бўрттириб берилган. Зеро, бундан кўзланган мақсад жажжи китобхон қалбида бу олий туйғуларни янада алангалатишдир.

Инсон киндик қони тўкилган жойни Ватан деб билганидек, табиатдаги жонзотлар ҳам туғилган жойларини муқаддас маскан деб англайдилар, унга ёниқиб меҳр қўядилар.Масалан, шоирнинг “Тоғ қуши” шеърида қафасдаги тутқун Каклик ўз Ватани-тоғларни қўмсайди. Шеър икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Какликнинг палопонлик чоғлари ҳақида фикр юритилади.Ёшлик-дунёдаги жамики мавжудотда энг гўзал, фусункор рангларга, ёруғликка, эзгулик ва қувончларга тўлиқ бўлиши билан ажралиб туради. Какликнинг ҳам ёшлик йиллари ўз она Ватани- тоғлар қучоғида ўтади.У ўз гўшасида нафақат яйраб, эмин-эркин юрарди, балки ёқимли сайраши билан теварак атрофга гўзаллик таратарди, юртини қувончларга тўлиб мадҳ

этарди. Шоир қушнинг бу кунларини бир қадар сокин, армонли хотира тариқасида тасвирлайди. Шеърнинг иккинчи қисмида Какликнинг қафасдаги ҳаёти, ниҳоятда ачиниш, ғам-алам билан ифода этилади:

Энди Ёқимлидир
Инграр қафасда Какликнинг
Келмай уйқуси Ҳатто йиғиси.

Шоир шеърини ана шундай кинояли оҳангда тугатади. Ватанидан айрилган қушнинг инграб йиғлашини сезмаётган, аксинча, ўзганинг кулфатидан ўзига ҳузур яратганларнинг ички олами қора бўёқларда ифода этилади. Эркинлик ва тутқунликнинг қиёсий кўрсатилиши ўқувчини чуқур ўйлантиради, мушоҳада қилишга ундайди.

Ватан соғинчига бағишланган "Кекса Ари" шеъри ҳам диққатга сазовордир. Унда Кекса ари набираларига ариларнинг кенг ватани бўлгани ҳақида эртакни такрор-такрор айтаверади. Эртак набираларининг сира жонига тегмайди. Кичкинтой арилар эртакни ҳар гал жон қулоқлари билан тинглашади. Улар тутқунлик исканжасида торайиб кетаётгандек кўринаётган она-Ватан боболарининг қалбини ўртаётганлигини юракдан ҳис этадилар, Ватаннинг қайтадан озод бўлиши уларнинг ҳам эзгу орзусига айлана боради. Шоир Ватан озодлиги туйғуси нақадар улуғ, муқаддас эканлигини. У нафақат инсонларга, ҳатто биз назарга илиб-илмайдиган жонзотларга ҳам хослигини кекса ари образи мисолида, жуда оддий, ниҳоятда таъсирли усулда ўқувчига етказа олган.

Анвар Обиджоннинг «Бойқуш» шеъри мағзига инсон ўз ватанини фақат гўзалилиги, бойлиги учунгина севмаслиги, балки уни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиши керак, деган фалсафий фикрни кичкинтойлар қалбига ва шуурига етказа олган.

Шеър савол-жавоб усулида ёзилган. Табиий, фақат кичкинтойлар эмас, балки катталар ҳам нега қушларнинг бир хилига "Бойқуш" номи қўйилганлиги билан қиўиқадилар. Ахир бу қушлар нимаси билан атрофдагилардан ўзгача? Бойлиги нималардан иборат? Шоир кичкинтойлар номидан Бойқушга қуйидагича савол билан мурожаат этади:

-- Сенга битта савол бор
Менга қулоқ сол, ҳой қуш,
Вайронада яшайсан,
Номинг эса нақ Бойқуш.
Айт-чи, наҳот сен бойсан?

Қуш бу саволга кўпни кўрган кекса донишмандлардай босиқлик, донолик билан жавоб қайтаради:

-- Асл бойлик нелигин
Тушунмайсан чамаси,
Бу вайрона бўлса ҳам,
Ўзимники ҳаммаси.
Шунинг учун мен бойман

Бу жавоб кичкинтойларни ўйлашга, фикрлашга ундаши, шубҳасиз. Улар асл бойлик, ўз уйингга, ўз масканингга, ўз Ватанингга бўлган садоқат, муҳаббат эканлигини ҳис этиб, ўзлари учун муҳим маънавий хулосалар чиқариб оладилар.

Шоирнинг “Тиллақўнғизнинг жавоби” шеърида ҳам муҳим ижтимоий ғоялар- бировнинг юртини босиб олган босқинчиларга нафрат, хўрланган ва ўлиб бораётган она тилга фидоийларча садоқат туйғуси мажозий образлар мисолида содда ва маъноли акс эттирилган.

Анвар Обиджон оддий нарса ва воқеалардан кутилмаган сюжет яратишга ниҳоятда уста шоир. Ушбу шеърда болалар кўпинча бепарво қарайдиган, баъзан тутиб олиб, оёғига ип боғлаганча “визилллаб” учишга мажбур қиладиган, уларнинг қўлида кўнгилочар ўйинчоққа айланиб қоладиган тиллақўнғиз ҳаётидан бир лавҳа ҳикоя қилинади. Бунда тиллақўнғизнинг гапирмасдан, ўйнаб кулмасдан, доимо тунд ғўнғиллаб юришининг сабаби янгича бир ечим билан очилади.Эмишки, бир вақтлар тиллақўнғизнинг “тор бўлса ҳам” ўз макони бўлган экан.Ўзватанига қаттиқ меҳр қўйган

Тиллақўнғиз у пайтларда зўр қўшиқлар айтар, яйраб яшар экан. Аммо юртига босқинчи чигирткалар босиб кирибди. Улар ўзга юртнинг бойликларини аямасдан талон-тарож қилишибди. Тиллақўнғизларни “моддий” тарафдан қашшоқ қилишгани етмагандай

уларни “маънавий” тамондан ҳам қул қилиш истагида “чигиртгадек сайрашга” мажбур эта бошлашибди. Шунда Тиллақўнғиз ёлғиз, ночор бўлса ҳам, ёвга эгилишни истамабди ва ўзини соқовликка солиб олибди.Шеър ёш ўқувчида аянч ҳиссини уйғотадиган хазин оҳангда битилган. Тиллақўнғизнинг соқов бўлиб қолишида чуқур маъно бор. Чунки у кимларгадир нималарнидир исбот этиш учун, ёки ўзини, ўз она тилига чексиз муҳаббатини кўрсатиш учунгина бундай қилмайди, балки ўз виждони, ор-номуси олдида тозалигича қолиш, юртига, жондошлари манфаатига содиқлигича яшаш учун ҳам, чигирткадек сайрашдан кўра, соқов бўлиб юришни афзал деб билади. Бу кичкина Тиллақўнғизнинг зўровонликка, ёвузликка нисбатан катта исёни эди.

Шоирнинг “Беозор кучук” шеърида талончиларнинг, зўравонларнинг ўзгалар тинчига зомин бўлиши, ўзгалар ризқига кўз олайтириши, асло келишиб. Бўлмайдиган ҳол эканлиги ҳақида сўз борган. Бу шеърдаги воқеалар аввалги шеърдагига нисбатан бошқачароқ, бундаги “босқинчини” жазолаган кучук ниҳоятда беозор, ҳеч кимга ёмонлик қилишни ҳам, уришишни ҳам истамайди. Аммо тақдир тақозоси билан, унинг уйига “Сурбет Кўппак” бостириб киради:

Кириб бирдан уйимга,
Тортиб олди суякни.
Кейин
Чил-чил синдирди
Ювиндили тувакни...

Анвар Обиджон услубига хос бўлган хусусият -жуда нозик, ўта жиддий вазиятни ҳам кулгили, айни чоғда ҳаққоний ва тагдор қилиб тасвирлаш бу шеърда ҳам яққол кўринади. Катта одам учун бир қадар кулгили кўринган бу дастлабки мисралардаги тасвирни кичкинтой анча босиқлик ва жиддийлик билан қабул қилади. Чунки у беозор кучук тамонидан ҳикоя қилинаётган кескин воқеага лоқайд томашин сифатида қарамайди,балки кучукнинг ҳолатини ҳис этади ва шеър сўнгида Беозор кучук Сурбет кўппакнинг илигидан тишлаб олишини адолат мезони сифатида қониқиш билан қабул қилади.

Шоир “Сигир қўшиғи” шеърида кичкинтойларнинг дунёни англашга интилиш жараёнида катталар билан тўқнашуви, ота-оналар ва болаларнинг баъзан бир-бирларини тўғри тушунмаслиги боис содир бўлувчи турли англашилмовчилик оқибатида келиб чиқадиган драматик ҳолатларни кулгили тарзда кўрсатади.

| | |
|---|---|
| Қанд деб йиғлар бузоғим | Билмайдики эси паст |
| Тинчимайди қулоғим, | Кўк беда ҳам ёмонмас, |
| Мў-ў-ў. | Мў-ў-ў. |

Кўнмаяпти у сира,
Берсам ҳатто кунжара,
Мў-ў-ў.

Нима у- “қанд” дегани,
Арзийдими егани?
Мў-ў-ў.

Шеърдаги бузоқнинг онасидан “қанд” сўраётганлигининг ўзиёқ боғча боласи учун кулгили туюлса, кичик мактаб ёшидаги бола шеърга жиддийроқ муносабатда бўлади, Она-Сигирнинг, биринчидан қанд топиш имкониятига эга эмаслигига, иккинчидан, боласини овқатланишга кўндиролмай қийналётганига унинг раҳми келади. Айни пайтда, Бузоқнинг жуда-жуда “қанд” егиси келаётганини ҳам юрак-юракдан ҳис этиб туради. Чунки, унинг ўзи ҳам бирон-бир ширинликни ниҳоятда егиси келган вақтлар бўлган. Топилмаса инжиқликлар қилган. Шунинг учун Бузоқнинг ўз орзусига эришишни чин дилдан истайди.

Анвар Обиджон болалар учун кўплаб шеърий эртаклар, шунингдек , драматик асарлар ҳам ёзган. Ёзувчининг “Қўнғироқли ёлғончи”, “Паҳлавоннинг ўғирланиши”,”Топсанг, ҳай-ҳай”, “Тўтиқул”, “Наврўз ва Бойчечак”, “Самозванец”, “Қоринботир” каби пьесалари Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш тамошабинлар театирида, Фарғона, Қарши, Гулистон, ҚўҚон театрларида саҳналаштирилган. Унинг асарлари асосида “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан “Тилсимой –ғаройиб қизалоқ”. “Даҳшатли- Мешпалвон” комедиялари кино тасмасига туширилган. Анвар Обиджон шеърларига басталанган қўшиқларнинг асосий қисми болаларга бағишланган. .

Назорат саволлари.

1. Х.Тўхтабоевнинг асарлари асосий мавзуси нимадан иборат?
2. Х,Тўхтабоевнинг романидаги қаҳрамонлар ҳақида гапиринг.
3 А. Обиджон шеърларининг асосий мавзуси нималардан иборат.
4 А.Обиджон шеъри қаҳрамонлари кимлар?